

# МУҲОКАМАТУЛ ЛУҒАТАЙН

Нашрга тайёрловчи  
Порсо ШАМСИЕВ

Такаллум ахли хирманининг хўша чини ва сўз, дурри самини маҳзанининг амини ва назм гулистонининг андалиби нағма саройи, я'ни Алишер алмутахаллас бин-Навоий... мундок арз қилурким, сўз дурредурким, аниг дар'ёси кўнгулдур ва кўнгул мазҳаредурким, жомии маонийи жузв ва кулдур. Андоқки, дар'ёдин гавҳар ғаввос воситаси била жилва намойиш қилур ва аниг қиймати жавҳариға кўра зоҳир бўлур. Кўнгулдин доғи сўз дурри нутқ шарафиға соҳиби ихтисос василаси била гузориш ва оройиш кўргузур ва аниг қиймати ҳам мартабаси нисбатиға боқа интишор ва иштиҳор топар. Гавҳар қийматиға нечукки, маротиб усру кўпдур, ҳаттоки, бир дирамдин юз тумангача деса бўлур.

Қит'a:

Инжуни олсалар муфарриҳ учун,  
Минг бўлур бир дирамға бир мисқол.  
Бир бўлур ҳамки, шаҳ қулоққа солур:  
Қиймати мулқ, ибраси амвол

Сўз дуррининг тафовути мундин доғи беғоятрок ва мартабаси мундин ҳам бениҳоятрокдур. Андоқки, шарифидин тўлган баданға руҳи пок етар, касифидин ҳаётлик танға заҳри ҳалок хосияти зухур этар.

Қит'a:

Сўз гавҳаридурки, рутбасининг  
Шарҳидадур ахли нутқ ожиз.  
Андинки эрур ҳасис муҳлиқ,  
Кўргузгуча дуур Масиҳ му'жиз<sup>1</sup>.

Ва бу сўзнинг танаввиу тааққулдин нари ва тасаввурдин ташқаридур. Агар муболағасиз ижмол юзидин қалам сурулса ва ихтисор жонибидин рақам урулса, етмиш икки нав' била тақсим топарида худ ҳеч сўз йўқтурки, етмиш икки фирмә каломиға далолат қилғай; аммо улча тафсилийдур. Ултурким, руб'и маскуннинг етти иқлимидин ҳар иқлимда неча кишвар бор ва ҳар кишварда неча шаҳр ва қасаба ва кент ва ҳар даштда неча хил-хил саҳронишин улус ва ҳар

<sup>1</sup> Сўз ахли хирмонининг бошоқчиси ва сўз қийматбаҳо тошлари хазинасининг пойлоқчиси ва назм гулистонининг сайдоқи булбули; я'ни Навоий деб тахаллусланган Алишер шундай арз қиласиди, сўз бир дур бўлиб, унинг дар'ёси кўнгилдир. Кўнгил шундай бир ўрин бўлиб, унда майда ва йирик ма'нолар тўплангандир.

Бу шунга ўхшайдики, гавҳар дар'ёдан ғаввос воситаси блан чиқазилади, унинг қиймати эса, тошига қараб маълум бўлади. Сўз дури ҳам кўнгилдан сўзга печан киши воситаси блан нутқ шарафиға эришади, унинг қиймати ҳам ўзининг даражасига қараб шуҳрат қозонади ва ҳамма ёкка ёйилади. Нечунки, гавҳар қиймат юзасидан жуда кўп даражаларга бўдинади, ҳатто бир дирамдан юз тумангача деса бўлади

«Марваридни доривор учун олганда, майда-майда қилиниб, бир мисқолини бир дирамдан сотилади. Агар подшоҳ қулоққа соладиган бўлса, бутун ҳолида олинади, демак, қиймати мулклигига ва э'тибори моллигига қараб бўлади».

Сўз дурининг айирмаси бундан ҳам чексиз ва даражаси бундан ҳам ниҳоятсизdir. Шундайки, яхши сўздан ўлган баданга тоза руҳ етади, ёмон сўздан тирик танга ўлдуручи заҳар хосияти пайдо бўлади.

«Сўз шундай гавҳардирки, мартабасини аниқлашдан нутқ эгалари ожиздирлар: мартабаси — ёмон сўзнинг ҳалок қилучанлигидан тортиб, яхши сўз блан Исонинг мўжиза кўрсатишига қадар боради».

төгнинг қўлларида ва қуллаларида ва ҳар баҳрнинг жазойирида ва савоҳилида не тавойиф бор'. Ҳар жамоат алфози, ўзгаларидин ва ҳар гурух иборати ёналаридин мутағаййир ва бирнеча хусусият била мутамайядурки, ўзгаларда йўқтур.

Андоқки, тутор ва баҳойим ва субо'нинг тиллариким, ҳар-бирининг ўзгача хуруш ва тақалумлари бор ва ғайри мукаррар наво ва тараннумлари. Аммо чун алфоз ва иборатдин мурод ма'нидур ва мазкур махлуқотдин мақсад инсондур ва ул мазҳари маоний ва баён, сўз анинг сўзида дур ва тақалум анинг каломида борур.

Эмди келдук сўз баёнига ва калом достонига: Мунча мутанавви' шаҳр ва куро ва жибол ва саҳро ва беша ва дар'ё халқиким, битилди ва танаввуву' ва тағайюрини шарҳ этилдики, мажмууда ма'ни адосида алфоз тилга келур ва ул алфоздин ма'ни фаҳм бўлур.

Барчасидин араб тили фасоҳат ойини била мумтоз ва балоғат таз'ийини била му'жиза тироздурким, ҳеч тақалум аҳлиниң мунда да'воси йўқтур ва сўзи сидқ ва иши таслим-ўқдурким, малики аллом жалла ва алонинг каломи му'жиз низоми ул тил била нозил ва расул (алайҳис-салавот вас-салом)нинг аҳодиси саодат анжоми ул лафз била ворид бўлубдур. Ва авлиёйи кибор ва машойихи олий миқдор (қаддасаллоҳу асрораҳум) кўпроқ ҳақойик ва маорифки суруттурлар ва маоний зеболарин тақрир либосиға киорупдурлар ул фарҳунда иборат ва ул хужаста алфоз ва ишорат била воқи' бўлубтур...

Мундин сўнгра уч нав' тилдурким, асл ва му'табардур ва ул тиллар иборати гавҳари била қойилининг адосиға зевар ва ҳар қайси ning фуруи бағоят кўптур. Аммо туркий ва форсий ва хиндий асл тилларнинг маншаидурки, Нух пайғамбар (салавотуллоҳу алайҳ)нинг уч ўғлиғаким, Ёғас ва Сом ва Ҳомдур етушур. Ва бу мужмал тафсили будурки, Нух (алайҳиссалом) тўфон ташвиридин нажот ва анинг маҳлакасидин ҳаёт топти, олам ма'мурасида башар жинсидин осор ва инсон нав'идин намудор қолмайдур эрди. Ёғасники, таворих аҳли Абут-турк битирлар, Хито мулкига йиборди ва Сомники, Абул-фурс битирлар Эрон ва Турун мамоликининг васатида воли қилди ва Ҳомники, Абул-ҳинд дебдурлар Ҳиндистон билодига узатти. Ва бу уч пайғамбарзода авлод ва атбои мазкур бўлғон мамоликда ёйилдилар ва қалин бўлдилар<sup>2</sup>.

\* Бу жумла Истамбул ва Кўқон босмадарида қуйидагича бузиб берилган: «Ҳар хайлда неча кишвар бор, ва ҳар кишварда неча шаҳр ва қасаба ва кент бор; ва ҳар даштда неча хил саҳронишин улус ва ҳар тогида неча тавойиф бор».

<sup>2</sup> Сўзниң турлари шу кадар кўпки, ўйлаш ва тасвирлаб чиқиши мумкин эмас. Агар муболага қилмасдан юзаки баён килинса ва қисҳалиқ блан ёзиб чиқилса, етмнш икки нав'га бўлиниб, етмиш икки хил халқнинг сўзига айланишида ҳеч бир сўз йўқ, лекин бундан ҳам кўпдир. У, шундайки, ер юзининг етти иқленининг ҳар бирида неча мамлакат бор, ҳарбир мамлакатда неча шаҳар, шаҳарча ва кент бор ва ҳар даштда неча хил саҳронишин ҳалқ, ҳарбир төгнинг камарларида ва юқорисида, ҳарбир дар'ёнинг оролида ва қирғогида неча гурух одамлар бор. Ҳарбир жамоанинг тиллари ўзгаларидан ва ҳар гуруҳнинг сўзлашувлари яна бирларидан ўзгача ва бирнеча хусусиятлар блан фарҳлидирки, бу айрма ўзгаларда йўқдир.

Шунданки, қушлар, ҳайвонлар ва йиртқичларнинг овоз чиқаришларида ҳарбирининг ўзгача қичқириқ ва айтимлари ҳамда қайталанмайдиган наво ва хонишлари бор. Аммо сўз ва гапдан мақсад ма'ни ва мазкур махлуқлардан мақсад инсондир ва у — ма'ни ва нутқнинг эгасидирки, шунинг учун, бизнинг сўзимиз унинг сўзи устида боради.

Энди сўзни баён қилишга киришайлик: юқорида турлилиги ва бир-биридан айирмаси айтилган турли шаҳар, қишлоқ, тоғ, ўрмон. ва дар'ё халқларининг ҳаммасида ма'нини сўзлар орқали ифода қилинади ва у сўзлардан ма'ни англанади.

Бу тилларнинг барчасидан араб тили нағислик блан ажralган ва бадийлик безаги блан му'жиза кўрсатучандирки, бунда ҳечбир тил аҳлларининг да'воси йўқ, сўзи, тўғри, дейиш ва иши таслим бўлиш, халос. Чунки билучан буюк подшоҳ (худо)нинг му'жизали сўзи ўша тилда инган ва пайғамбарнинг саодатга элтучи ҳадислари ўша тилда айтилгандир. Буюк авлиёлар ва баланд даражали машойихлар сурган ҳақиқат ва ма'рифатларини, таҳрир кийимиға кийинтирган ма'ни гўзалларини кўпроқ ўша муборак ибора ва қутлуғ сўз ва ишоралар блан адо қилибдирлар.

Бундан сўнгра уч нав' тил, борки, булар ҳамма тилларнинг аслидир ва бу тилларнинг ҳарбири ўз гапиричиларининг сўзлашувларига мосдир. Бу тилларнинг шахобчалари бениҳоят кўпдир. Аммо турки, форси ва ҳинди тиллари асл тилларнинг чиқиши ўрнидирки, Нух пайғамбарнинг уч ўғли: Ёғас, Сом ва Ҳомга бориб етишади. Бу қиска сўзниң тафсили шуки, Нух тўфон фитнасидан халос топганда ва унинг ҳалокатидан кутулганда, дун'ё юзида башар жинсидан асан ва инсон нав'идан намуна қолмаган эди. Бу вақтда Ёғсани — уни тарихчилар Абут-

Ва Ёфас ўғлонники, Абут-туркдур, тарих ахли иттифоки била дебдурларки, нубувват тожи била сарафroz ва рисолат мансаби била қардошларидин мумтоз бўлди. Ва уч тилки, туркий ва форсий ва ҳиндий бўлғай, бу учовнинг авлод ва атбои орасида шойи' бўлди... Чун арабий тил ва мақол била калом ва ҳиндий алфоз била музахрафоти нофаржом, бири ғояти шараф ва улви манзиладин ва бири ниҳояти нахусат ва дунувви мартабадин орадин чиктилар. Қолди туркий алфоз била мақсад адоси ва форсий иборат била калом ма'носи. Андоқ малум бўлурки, турк сортдин тез фаҳмроқ ва баланд идрокроқ ва хилқати софрок ва покроқ маҳлук бўлубтур ва сорт туркдин таақкул ва илмда дақиқроқ ва камол ва фазл фикратида амийкроқ зуҳур қилибтур ва бу ҳол туркларнинг сидқ ва сафо ва туз ниятидин ва сортларнинг илм ва фунун ва ҳикматидин зоҳир дурур. Ва лекин тилларида камол ва нуқсон ҳайсиятидин фоҳиш тафовутлардурки, алфоз ва иборат ваз' қилурда турк сортқа фойиқ келибтур ва ўз алфозида ишорат, иборатига мазиятлар кўргузуптурки, ўз маҳалида иншоолло мазкур бўлғай. Яна туркнинг мулоямати таб'ининг сортдин ортуғлуғиға далиле мундин возиҳроқ ва шоҳиде мундин лойиҳроқ бўла олурмуким, бу икки тоифанинг йигити ва қариси, балки улуқдин кичик бориси орасида ихтилот алас-савиядур. Ҳар миқдорки, бу бирининг у бири била амизиш ва гуфтугузори бор, ул бирнинг ҳам бу бир била ҳамонча такаллум ва гуфтори бор. Ва сорт орасида ахли таб' ва дониш ва зумраи илму зихн ва бийниш кўпроқдур. Ва гурк элида ажлоф ва сода эл сортдин зиёдадур. Аммо туркнинг улуғдин кичигига дегинча ва навкардин бегига дегинча сорт тилидин баҳраманддурлар. Андоқим, ўз хурд аҳволиға кўра айтаодурлар, балки ба'зи фасоҳат ва балоғат била ҳам такаллум қилурлар. Ҳатто турк шуаросиким, форсий тил била рангин аш'ор ва шириң гуфтор зоҳир қилурлар, аммо сорт улусининг арзолидин ашроғиғача ва омисидин донишмандигача ҳеч қайси турк тили била такаллум қила олмаслар ва такаллум қилғоннинг ма'нисин ҳам билмаслар. Агар юздин, балки мингдин бири бу тилни ўрганиб сўз айтса ҳам ҳар киши эшитса билур ва аниңг сорт эканини фаҳм қилур ва ул мутакаллим ўз тили била ўз расвониғиға ўзи икror қилғондекдур. Ва туркнинг асли хилқатда сортдин таб'и мулоимроқ эрканга мундин бул'ажаброқ тонуғ йўқдурки, ҳечқайси муниңг мұқобаласида дам ура олмаслар ва сорт биажмаҳим агар турк иборати адосида ожиздур, муҳик ҳам бор. Невчунки, турк алфози возии усру кўп вақтда муболага изҳори қилиб, жузвий мағҳумот учун алфоз ваз' қилибтурки, соҳиб вуқуф киши то зоҳир қилмас, инонса ҳам бўлмас<sup>3</sup>.

---

турк деб ёзган—Хитой мамлакатига юборди. Сомни — уни Абул-фурс деб ёзганлар — Эрон ва Турон мамлакатларининг ўртасига ҳоким қилди. Ҳомни эса — уни Абул-ҳинд деб отаганлар — Ҳиндистон мамлакатига узатди. Бу уч пайғамбарзоданинг авлодлари ва ўзларига қарашлилари мазкур мамлақатларда ёйилдилар, у ерларда зичланиб кетдилар.

<sup>3</sup> Абутурк деб аталган Ёфас тарихчиларнинг бир оғиздан айтишига кўра, пайғамбарлик тожи блан устун ва элчилик мансаби блан қардошларидан имтиёзли бўлди. Уч тил: турки, форси ва ҳинди тиллари бу учовнинг авлод ва қарамлари ўртасида тарқалди.

Араб тили блан сўзлаш ва ҳинди сўзлар блан волдираш масаласи — бири ғоятда шараф ва юқори даражадан ва бири ниҳоятда наҳслик ва паст мартабадан — орадан чиқди. Энди турки сўзлар блан мақсад ифодаси ва форси ибора блан сўз ма'носи масаласи қолди.

Ма'лум бўлишича, турк сарт (форс)дан кўра тезфаҳмроқ, тушунчалик юқорироқ, яратилиш жиҳатидан софроқ ва тозароқ бўлган. Сарт туркка камол (етуклик)да чуқурроқ тушунчали бўлиб етишган. Бу ҳол эса, турк қараганда фикрлашда ва илмда нозик нуқталарга эришучан, фазл ва ростлик, софлик ва тўғри ниятидан, сартларнинг илм, фан ва ҳикматидан ма'лумдир. Броқ тилларида ортиқлиқ ва камчилик жиҳатидан зўр фарқлар борки, турклар сўз тузишда сартларга устүн келганлар ва ўз сўзларида белгилар ишлатишда ортиқлиқ кўрсатганларки, биз буни худо хоҳласа, ўз жойида айтurmиз. Яна туркнинг сартга қараганда юмшоқ кўнгуллилиқда ортиқлиғига бундан кўра очигроқ далил ва равшанроқ тувоҳ бўлиши мумкинмики, бу икки халқнинг йигити ва қариси, балки каттадан-кичиги—бориси орасида аралашиш баббаробардир. Бу бири блан у бири ўртасида ҳарқанча аралашиш, ўзаро сўзлашиш бўлса, у бирининг ҳам бу бири блан ўшанча англашиш ва сўзлашиши бор. Сартлар орасида кобилият, билим аҳллари ва илм, зихн ҳамда ўткир кўз эгалари кўпроқдир. Турк халқида тўнг ва содда диллар сартдан кўра ортиқроқдир.

Аммо туркнинг каттадан кичигигача, хизматкоридан бегигача сарт тилидан баҳраманддирлар. Шундайки, ўз тирикликлариға оид аҳволлар устида сўзлаша олурлар, балки ба'зилари адабий равишда сўзлашаолурлар. Ҳаттоқи турк шоирлари форси тилида рангдор ше'рлар ва шириң ҳикоялар юзага чикараолурлар.

Андоқки: қувормоқ ва қуруқшамоқ ва ушармак ва жийжаймоқ ва ўнгдаймок ва чекримак ва дўмсаймоқ ва умунмоқ ва ўсанмоқ ва итирмак ва эгармак ва ўхранмак ва ториқмоқ ва алдамоқ ва аргадамоқ ва ишастмак ва игланмак ва айланмоқ ва эриқмак<sup>4</sup> ва игранмак ва овунмоқ ва қистамоқ ва қийнамоқ ва қўзғалмоқ ва соврулмоқ ва чайқалмоқ ва девдашимоқ ва қийманмоқ ва қизғанмоқ ва никамак ва сийланмоқ ва танламоқ ва қимирдамоқ ва серпмак ва сирмамак ва ганоргамак ва сиғриқмоқ ва сигинмоқ ва қилимоқ ва ёлинмоқ ва мунгланмоқ ва индамак ва тергамак ва теврамак ва қингғаймоқ ва шигалдамак ва синграмоқ ва яшқамоқ ва исқармоқ ва кўнгранмак ва сухранмоқ ва сийпамоқ ва қораламоқ ва сурканмак ва куйманмак ва интрамоқ ва тушалмак ва мунғаймоқ ва танчиқамоқ ва танчиқолмоқ ва қўруксамак ва бушурғанмоқ ва бўхсамоқ ва киркинмак ва сукадамак, бўсмоқ, бурмақ, турмақ, томшимоқ, қаҳамоқ, сипқормоқ, чичаркамак, журканмак, ўртанмақ, сизғурмоқ, гурпаклашмақ, чупрутмоқ, жирғамоқ, бичимоқ, қикзанмоқ, сингурмак, қундалатмак, қумурмак, бикирмак, кўнгурламак, кинаркамак, кезармак, дўптулмоқ, чидамоқ, тузмак, қазғанмоқ, қичиғламоқ, гантирамак, ядамоқ, қадамоқ, чиқанмоқ, кўндумрмак, сўндумрмак, суклатмоқ.

Бу<sup>4</sup> юз лафздорки, ғариб мақосид адосида тайин қилибдурларки, ҳеч қайси учун сорт тилида лафз ясамайдурларки, барчаси муҳтожун илайҳдурки, такаллум чоғида киши анга муҳтож бўлур. Кўпи андоқдурки асло анинг мазмунин тафҳим қилмоқ бўлмас ва ба'зиники, англатса бўлғай, ҳар лафз тафҳими учун неча лафзни таркиб қилмағунча бўлмас, ул дағи арабий алфоз мадади била. Ва турк алфозида бу нав' лафз кўп топилур. Масалан, бу мазкур бўлғон юз лафздин бир нечага машғуллук қилиб событ қилали, то хасм муқобалада илзом бўлсунки, ўзгаларни мунга қиёс қилсун.

Шуаро акобиридинки, ба'зи «май» та'рифида муболаға қилибдурлар, ва бу му'таддун бих амредурки, май ичмоқ қавоидида сўз кўп суруп, зарофат ниҳоятсиз зохир қилурлар. Бири сипқармоқ лафзидурки, муболаға мундин ўтмас. Туркча назмда бу матла' бордурким.

Байт:

Сокиё, тут бодаким, бир лаҳза ўзумдин борай,  
Шарт булким, ҳар неча тутсанг лабо-лаб сипқарай.

Оё! бу сипқарай лафзи мазмуниға етганда, форсий ше'рда не илож қилғайлар. Ва томшиимоқ ки, ғоят; завқдин бот ичмас ва лаззат топа-топа, оз-оз ичар. Бу ғариб ма'ни адосида туркчада бу матла' борким,

Байт:

Сокий чу ичиб, менга тутар қўш:

Аммо сарт ҳалқининг қуи табақасидан юқори табақаларигача, саводсизидан билимдонигача ҳеч қайсиси турк тилида сўзлаша олмайди ва сўзлаганинг сўзига ҳам тушунолмайди. Агар юздан, балки мингдан бири бу тилни ўрганиб сўзлашибошласа, эшиттан киши билиб қолади — унинг сарт эканини тушуниб олади... Түркнинг асл яратилишида сартдан кўра юмшоқ кўнгулли эканига бундан ҳам равшанроқ белги йўқки, ҳечким бунинг қаршисида дам ура олмас. Сартларнинг ҳаммаси агар туркча сўзлашда ожизлик қилсалар, хақлари ҳам бор Чунки турк сўзларини яратучи жуда кўп вақтда муболағалар қилиб майда ифодалар учун сўзлар ясабдирки, то билуви киши англатмаса, бундай нарсаларга ишониш ҳам мумкин бўлмайди.

Қ. б. — эриқмак сузи тушиб қолган.

<sup>4</sup> Бу юзта сўзни ингичка мақсадларни ифодалаш учун белгилабдирларки, буларнинг ҳечбири учун сарт тилида сўз ясамабдирлар. Лекин буларнинг барчасига кишининг эҳтиёжи тушади, сўзлашиш чоғида киши унга муҳтож бўлади. Буларнинг кўпи шундай сўзларки (форсчада), унинг мазмунини асло англатиб бўлмайди. Ба'зисини англатса бўлади, лекин бир сўзни тушунтириш учун бирнеча сўзни тизмагунча бўлманди. Бу ҳам арабча сўзлар ёрдами билан бўлади. Түрк тилида бу хил сўзлар кўп топилади. Масалан, юқорида мазкур бўлған юздан бирнечаси устида шуғулланиб, исбот қилайлик, токи да'вогар қаршилик кўрсатганда уялиб қолсин, шунинг блан бошқаларини ҳам бунга солиштирсан.

Шоирларнинг катталаридан ба'зилари «май» та'рифида муболаға қилибдирлар. Бу нарса одат бўлиб кетганки, май ичмоқ қоидалари тўғрисида кўп сўзлар юргизиб, ниҳоятсиз хуш таб'лик кўрсатадилар.

Томший-томший ани қилай нўш.

Ва бўхсамоқ лафзи адосида турк бу матла'ни дебдурки,  
Байт:

Хажри андуҳида<sup>5</sup> бўхсабмен, била олман нетай,  
Май иложимдур қўпуб дайри фаноға<sup>6</sup> азм этай.

Форсийгўй турк беклар ва мирзодалар бўхсамоқни форсий тил била тиласаларки, адо қилғайлар. Ва ше'рнинг бино ва мадори ишққа эврулур ва ошиқлиқда йиғламоқдин куллийрак ва доимийроқ амр йўқтур ва анда танавву' бор: *йигламсинмоқ* мазмунидаки, турк мундок дебдурки,

Байт:

Зоҳид ишқин десаки, қилғай фош,  
Йиғламсинуру қўзига келмас ёш.

Ва *инграмоқ* ва *синграмоқким*, дард била яшурун оҳиста «иғламоқдур ва ораларида тафовут оз топилур. Туркчада бу матла' борким,

Байт:

Истасам давр аҳлидин ишқингни пинҳон айламак,  
Кечалар гаҳ инграмоқдур одатим, гаҳ синграмак.

Форсийда бу мазмунки бўлмағай, шоир не чора қилғай? Ва *сиқтамоқким*, йиғламоқда муболағадур, турк бу нав адо қилибдурки,

Байт:

Ул ойки, кула-кула қироғлатти мени,  
Йиғлатти мени демайки, сиқтатти мени.

Яна бийик ун билаки, и'тидолсиз ошуб<sup>7</sup> била йиғлағайлар, ани ўкурмак дерлар ва туркчада ул ма'нида оу матла' борким,

Байт:

Ишим тоғ узра ҳар'ён ашқ селобини<sup>8</sup> сурмақдур.  
Фироқ ошубидин ҳардам булат янглиғ ўкурмақдур.

Чун ўкурмак муқобаласида форсий тилда лафз йўқтур, форсийгўй шоир мунингдек ғарив мазмун адосидин маҳрумдур. Яна йиғламоқнинг ўкурмаки муқобаласида *иничкирмак* дағи бор ва ул инчка ун била йиғламоқдур ва ул турк лафзида бу нав' таркиб била адо топибдурким,

Байт:

Чарх зулмидаки, бўғзумни қириб йиғлармен,  
Игиур чарх (урап) инчириб йиғлармен.

Аммо йиғламоқта ҳой-ҳой лафzin (адода) ўзларин туркийгўйларга шарик қилибдурлар ва бу лафз ҳам аслан туркий услубдур, ва факирнинг бу мақтаи<sup>9</sup> машхурдурким,

Байт:

<sup>5</sup> Хажр андуҳи — айрилиқ қайғиси.

<sup>6</sup> Дайри фано — йўқлик дун'ёси.

<sup>7</sup> И'тидолсиз ошуб — ҳаддан ортиқ ҳаяжон, тўлғаниш.

<sup>8</sup> Ашқ селоби — кўз ёши сели.

<sup>9</sup> Мақта' — ше'рнинг охири (матла'нинг қаршиси)

Навоий ул гул учун ҳой-ҳой йиғлама кўп,

Ки ҳе дегунча не гулбун<sup>10</sup>, не гунча, не гул бор!

Яна турк алфозида қимсанмоқ ва қизғанмоқ икки ғариб лафздорки, аниңг адоси бу байтда борки,

Байт:

Узорингни очарға қимсанурмен,  
Вале эл қўрмагига қизғанурмен.

Форсийгўй шуаро мундок хўб мазмун адосидин маҳжур<sup>11</sup>дурлар: Ошиқ аёғиға тикан кирмакка алар «хор» лафзи била таарруз<sup>12</sup> қилибдурлар. Аммо ҷуқурки му'лимроқдур<sup>13</sup>, бу лафзлари йўқтур ва бу туркчада мундок адо топибдурким,

Байт:

Чўкурларким, сенинг йўлингда тевралмиш аёғимға,  
Чекиб ул қўй гардин сурма тортармен қарогимға.

Яна ишқ тариқида маҳбуб наззораси мұяссар бўлса, ошиқнинг ниёз юзидин телмурмаги усру муносиб ишдур, ва бу лафз аларда йўқтур, ва мунунгдек лафзлари ҳам йўқтур ва бу туркчада мундок дийилибдурки,

Байт:

Тўқадур қонимни ҳар дам қўзларинг боқиб туруб,  
Ким неча юзумга боққайсен йироқдин телмуруб.

Яна турк лафзининг маҳбуб жонибидин ясанмоғи муқобаласида сорт лафзида ороста ва оройиши лафзи бор. Аммо безанмак муқобаласида демайдурлар ва ул ясанмоғнинг муболағасидур ва ани мундок дебдурларким,

Байт:

Эрур бас чу хусну малоҳат сенга,  
Ясанмоқ, безанмак не ҳожат сенга.

Ва хўбларнинг кўз ва қошлари орасинки, қабоғ дерлар, форсийда бу узв<sup>14</sup>нинг оти йўқтур. Маснавий<sup>15</sup>да бир жамоат хўб та'рифида мундок дейилибдурким,

Байт:

Менгизлари гул-гул, мижалари хор,  
Қабоғлари кенг-кенг, оғизлари тор.

Яна ишқ атворидаким, ашқ ва йиғламоқ муқобаласида оҳ ва иссиғ дам умда<sup>16</sup>дур. Турклар дамни чоқинға, оҳни илдиримға нисбат бериб дебдурларким,

Байт:

Фироқинг ичра улус ўртамакка, эй моҳим,  
Чоқин дуур дамиму илдирим дуур оҳим.

Сорт тилида чоқин ва илдиримдек мутааййин ва му'табар икки нимаға от қўймайдурурлар ва

<sup>10</sup> Гулбун — гул дарахти.

<sup>11</sup> Маҳжур — маҳрум ма'носида.

<sup>12</sup> Таарруз қилмоқ — тўқинмоқ.

<sup>13</sup> Му'лим — аламли, оғритучи.

<sup>14</sup> Узв — а'зо.

<sup>15</sup> Маснавий — иккилик, я'ни бир байтда икки мисра'нинг қофиядош бўлиб келиши.

<sup>16</sup> Умда — муҳим.

араб тили била барқ ва соиқа била адо қилибдурлар.

Ва хусн та'рифида улуғроқ холғаким, турклар менг от күюптурлар, алар от қўймайдурлар.  
Турк бу та'рифни бу нав' адо қилибдурким,

Байт:

Анингким, ол энгинда менг яратти,  
Бўйи бирла сочини тенг яратти.

Агар<sup>17</sup> бирин-бирин алфоз ваз'идаким, алар тақсир қилибдурлар, таарруз қилилса, сўз узар. Невчунки, кўп воқи'dур. Яна ше'rда барча таб' аҳли қошида равшан ва мажму' фусаҳо оллида мубарҳандурки, тажнис ва ийҳом бағоит куллийтур. Ва бу фархунда иборат ва хужаста алфоз ва ишоратда форсидин кўпроқ тажнис омиз лафз ва ийҳом ангез нукта борки, назмға мужиби зеб ва зийнат ва боиси такаллуф ва сан'атдур. Масалан: от лафзики, бир ма'ниси аламдур, яна бир ма'ниси маркабдур ва яна бир ма'ниси амрдурки, тошни ё ўқни от, деб буюргайлар. Бу тажнисда мундок дейилибдурким. Байт:

Чун париу хурдур отинг, бегим,  
Сур'ат ичра дев эрур отинг, бегим,  
Хар хадангиким, улус андин қочар,  
Нотавон жоним сари отинг, бегим.

Ва бу икки байтки, тажниси томдур, ҳам турк шуароси хос сасидурки, сортда йўқтур ва муни туюғ лерлар. Ва мунинг та'рифин «Мизонул-авзон» отлиғ арузга битилибдур, анда қилилибдур.

Яна *ит* лафзи ва анда доғи бу нав' уч ма'ни бор, андоқки

Байт:

Э рақиб, ўзни анга тутсанг ҳам ит,  
Бизга раҳм айлаб унинг кўйидин ит.  
Гарчи бор дезахча ишқинг шу'ласи,  
Бизни ўз илгинг била ул сори ит.

Ва *туши* лафзида ҳам бу нав' уч ма'ни бор. Ва яна ён лафзида ва ёқ лафзида ҳам бу ҳолдур ва бу нав' лафзики, анда уч ма'ни бўлғай, ҳад ва ҳаср<sup>18</sup>дин кўпрак топилур. Ва хили лафз ҳам топилурки, тўрт ма'ниси бўлғай, андоқки, *бор* лафзики, бир ма'ниси мавжудлуғдур ва бир ма'ниси амрдур борувға ва бир ма'ниси юқдур ва бир ма'ниси самардур<sup>19</sup>. Ва андок лафз ҳам топилурки, беш ма'ниси бўлғай: *сөгин* лафзидекки, бир ма'ниси ёд қилмоққа амрдур ва бири сутлук қўй отидур ва ишқ масти ва мажнуни ва бемори муқобаласида *сөгин* деса, хар бирига итлоқ қиласа бўлур. Яна андоқки, *туз* лафзики неча ма'ни ирода қиласа бўлур. Бири *тузки*, ўқ ё найзадек нимани дерлар. Яна — *туз* ҳамвор<sup>20</sup> даштни дерлар. Яна *туз*—рост кишини дерлар. Яна *туз*—созни тузмакка амр қилмоғни, яна *туз* — икки киши орасида мувофақат солмоғни (дерлар). Яна *туз* — бир мажлис асбобини ҳам деса бўлур. Ва қўқ лафzin ҳам неча ма'ни била

<sup>17</sup> Агар улар (форслар) бажаролмаган сўз ясаш тўғрисида бирин-бирин тўхталаберилса, сўз узайиб кетади, чунки бу жуда кўпdir.

Яна, барча шоирлар қошида равшан ва ҳамма сўз усталари олдида аниқ ма'lумдирки, ше'rда «тажнис ва ийҳам» (мисралар охнирида жинсдош, шаклдош сўзлар ишлатиб, турли ма'нилар чиқариб, сўз ўйини қилиш қоидаси умумлашгандир. Бу чиройлик ибора ва гўзал белгиларда форсидан кўра (туркчада) кўпроқ тажнисни билдиручи сўз ва ийҳамни англатучи нуктапар борки, бу назм (тизма сўз)ни безантиради ва сан'атли килади.

Масалан: «от» сўзини олайлик, исм (бировнинг исми), минадиган от, тошни ёки ўқни от, деб айтилгандаги буйрук ма'ноларида келади.

<sup>18</sup> Ҳад ва ҳаср— чек ва чегара.

<sup>19</sup> Самар— мева.

<sup>20</sup> Ҳамвор — текис.

исти'мол қилурлар. Бири қўк—осмонни дерлар. Яна қўк оҳангдур. Яна қўктеграда қўкламдур. Яна қўк қадоғни ҳам дерлар. Яна қўк сабза ва ўлангни доғи дерлар. Бу нав' алфоз ҳамки, уч ма'ни ва тўрт ма'ни ва ортуғроқим, иродга қилса бўлғай, қўп борки, форсий алфозда андоқ йўқтур.

Ва ма'руф ва мажхул қофияда «вовий», «ёйий» ҳамки, форсий аш'орда воқи' бўлур, икки ҳаракатдин ортуқ бўлмас<sup>21</sup>, "вовий" андоқки хўд ва дуд на зўр ва нур, ва "ёйий" андоқки: *пир* ва *шер*. Ва туркий алфозда бу ма'руф, мажхул ҳаракат тўрт нав' топилур ҳам «вовий» ва ҳам «ёйий»си. «Вовий»си андоқки, ўтки шай'и муҳриқдур<sup>22</sup> ва ўт мурур<sup>23</sup> ма'ниси била ва ўт муқаммирға бурд жиҳатидин амр<sup>24</sup>, ва ўтки боридин ириқ<sup>25</sup> ҳаракатдур, каллани ўтға тутуп, тукин аритур ма'нидадур. Яна бир мисол: *тўрки*, домдур<sup>26</sup> яна *тўрки*, андин дақиқроқ<sup>27</sup> дурки, қуш ўлтур йифочдур, *тўрки*, андин дақиқроқдур: уйнинг тўридур ва *тўрки*, барчадин ириқдур: тўрлуғни ё эшикни тўрмак ўйдур.

Ва ёйий мисол уч ҳаракатдин ортуқ топилмас *безки* сорт "қадуд" дер ва *бизки* "мо" ва "наҳну"<sup>28</sup> ма'ниси биладур ва *бийзки* "дарафш" дерлар. Яна бир мисол: Терки, термак ма'ниси биладур. *Терки*, андин дақиқдур, улдурки, сортлар ани "арақ" ва "хай" дерлар. Ва *тир* ки, боридин ириқдур, ўқ ма'ниси биладур. Ва бу нав' алфоз кўп, уч ҳаракат била ваз' қилибдурларки, ҳоло шойи'dур. Ва неча ҳуруфқа иборат вус'ати учун, балки қофия сухулати учун бир-бирига ширкат берибдурлар. Ул жумладин бири, «алиф» била «ҳо» орасида муносабат ва мушоракат берибдурларки, бир лафзни ҳам охири алиф лафз била қофия қилса бўлур<sup>29</sup>. Андоқки, «аро» лафзин «саро» ва «даро» била қофия қилса бўлур, «сара» ва «дара» била ҳам қофия қилса бўлур. Яна бир мисол: андоқки «ядо» лафзин «садо» била қофия қилса бўлур, «бода» била ҳам қилса бўлур. Ва «вов» била «замма»<sup>30</sup> орасида ҳам ул нав' ширкатдур. Андоқки, «эрур» лафзин «хур», «дур»<sup>31</sup> лафзи би-ла қофия қилса бўлур, «ғуурур» ва «зарур» лафзи била ҳам жойиздур. Ва «ё» била «касра»<sup>32</sup> орасида доғи бу нав'dур. Андоқки, «оғир» ва «боғир» алфозин «содир» ва «қодир»<sup>33</sup> алфози била қофия қилса бўлур, «та'хир» ва «тағийир» алфози била ҳам бўлурки, форсий алфозда бу сухулатлар<sup>34</sup> йўқтур. Ва бу алфоз вози'лари кўп нимада жуз'иётқа таарруз қилиб, ғариб мазмун ва мағҳумлар учун алфоз ваз' қилибдурлар<sup>35</sup>. Андоқки, ба'зи масодирда<sup>36</sup> ўтти. Яна ғизо<sup>37</sup> ва ҳар таомки, еса бўлур, *егулук* дерлар, ва сорт элнинг кўпи, балки барчаси емакни ҳам ва ичмакни ҳам «хўрдани»лафзи била адо қилурлар. Ва улук кардош

<sup>21</sup> Ма'руф— (белгили) ва мажхул (белгисиз) қофиядаги «вовий (ў, у) ва «ёйий» (и, е) қофиялар форсий ше'рларда келса ҳам, икки белгидан (ў-у, и-е) ортиқ келмайди.

<sup>22</sup> Шай'и муҳриқ — ёндиручи нарса.

<sup>23</sup> Мурур — ўтиш.

<sup>24</sup> Муқаммирға бурд жиҳатидан амр— қиморбозга ютиш жиҳатидан буйруқ.

<sup>25</sup> Ириқ — нозик, ингичка.

<sup>26</sup> Дом — тузоқ.

<sup>27</sup> Дақиқроқ — нозироқ, ингичкароқ.

<sup>28</sup> «Мо» форсча, «наҳну» арабча кўплік, кишилик олмоши (биз).

<sup>29</sup> «Ва бу нав»... — бу хилда кўп сўзларни уч ҳаракат (уч хил унли) блан ясабдирларки, ҳозирда ҳам тарқалгандир. Жумлани кенгайтириш ва қофияни осонлаштириш учун бирнеча ҳарфни бир-бирига шерик килибдирлар. Шу жумладан «алиф» блан «ҳо» (алиф—о; ҳо—сўз охирида келадиган а демак) орасида шериклик ва муносабат пайдо қилибдирларки, бир сўзнинг охирини алиф (а) блан қофия қилса бўлади.

<sup>30</sup> «Вов» — қалин «у» унли товуши (ундош «в» га ҳам айтилади) «замма» эса — ингичка «у» товушининг белгиси.

<sup>31</sup> Араб ҳарфи блан ёзганда «хур», «дур» сўзида вов (у) йўқ, «заммали» сўздир.

<sup>32</sup> «ё» — «и» унли товуши («й»га ҳам айтилади), «касра» эса — пнгичка «и» товушининг белгисидир.

<sup>33</sup> «Содир» ва «қодир» сўзларида «ё» (й) кўйилмайди, «касрали»дир.

<sup>34</sup> Сухулат — енгиллик.

<sup>35</sup> «Ва бу алфоз»... — Бу сўзларни ясовчилар кўп жойларда жуда майда нарсаларга тўхталиб, қизиқ мазмун ва ма'нилар учун сўзлар яратибдилар.

<sup>36</sup> Масодир — масдарлар.

<sup>37</sup> Ғизо — егулук.

ва кичик қардошни иккаласин «бродар» дерлар ва турклар улуғни — «оға» ва кичикни «ини» дерлар, ва алар улуғ, кичик қызы қардошни ҳам «хөхар» дерлар. Ва булар улуғни — «эгачи» ва кичикни «сингил» дерлар. Ва булар отанинг оға-инисин «опага» дерлар. Ва онанинг оға-инисин — «тағойи» (дерлар). Ва алар ҳечқайсиға от та'йин қылмайдурлар ва араб тили била "эм" ва "хол" дерлар ва қўкалтоши туркча тил била дерлар. Ва *атка* ва *энагани* ҳам бу тил била айтурлар. Бир мутааййин нимаким «оқ уйдур», анга «ҳаргоҳ» от қўюптурлар. Аммо анинг ажзосининг<sup>38</sup> кўпини турк тили бил айтурлар. Андоқки, *тунглук* ва узук ва *тўрлуг* ва *босруг* ва *чиғ* ва *қанот* ва *қўзнак* ва *увуг* ва *богиш* ва *бўсаға* ва *эркина* ва ало ҳозал-қиёс<sup>39</sup>. Ва ов ва қушки, салотин одоб ва русумида ҳар қайси бошқа мутааййин ишитур, икаласин, «шикор» дерлар. Ва овда умдаки<sup>40</sup> кийикдур, турк анинг эркакин «хұна» ва тишисин «қылчоқчи» дер. Яна суйқуннинг ҳам эркакин «буғу» ва тишисин «марал» дер. Сорт оҳу ва гавазндин ўзга нима демас. Ва бир шўру шайнлиғ<sup>41</sup> овки, тўнғуз овидур, анинг ҳам эркагини «қобон», тишисин «мегачин» ва ушоғин «чўрпа» дерлар. Ва сорт барчасин «хук» ва «гуроз» лафзи била айтур.

Ва келдук қушқаки, анда муқаррар ва машхур *илбосун* ўрдакдур. Ва сорт эл *илбосунни* худ билмас. Тоги турк ўрдакнинг эркагин «сұна» ва тишисин «бүрчин» дер. Ва сорт мунга ҳам от қўймайдур. Ва нар ва мода иккаласин «мургоби» дер. Ва ўрдакнинг анвои билур қушчилар қошида, масалан, *жўрка* ва *эрка*, *суктур* ва *олмабош* ва *чокирқанот* ва *темурқанот* ва *алдалдага* ва *олапука* ва *богчол* ва бу йўсунлук дерларки, етмиш нав' бўлурким, сорт борисин *мургоби-ўқ* дер. Ва агар бир-биридан мутамайяз қилса<sup>42</sup>, туркча от била-ўқ айтур. Яна от анвоидаки, *тубучоқ* ва *арғумоқ* ва *яка* ва *ёбу* ва *тоту* йўсунлик—борини туркча-ўқ айтурлар. Ва отнинг ёшин дағи қўпракин туркча айтурлар. Бир қулуни «курра» дерлар. Ўзга: *той* ва *гўнан* ва *дўнан* ва *тулан* ва *чирга* ва *ланға* дегунча фасиҳроқлари туркча дерлар ва қўпраги муни ҳам билмаслар.

Ва отнинг иярин агарчи «зин» дерлар, аммо кўпрак ажзосин, мисли: *жибилгир* ва *ҳано* ва *тўқум* ва *жорлиғ* ва *уларчоғ* ва *ганжуга* ва *жилбўр* ва *қушқун* ва *қантар* ва *туфак* ва *тўқа* йўсунлук кўпин туркча айтурлар ва қамчини агар «тозёна» дерлар, аммо булдургасин ва чубчургасин туркча айтурлар. Ва *жиба* ва *жавишан* ва *кўҳа* ва *қолғандуруқ* ва *қорбичи* ва *кечим* ва *оҳа* йўсунлук уруш асбобин ҳам турк тили била айтурлар.

Ва ма'худий албисадин<sup>43</sup> мисли: *дастор* ва *қалпоқ* ва *наврўзий* ва *тўппи* ва *ширдоғ* ва *дакла* ва *ялак* ва *ёғлиғ* ва *терлик* ва *қур* йўсунлуг—нималарни борисин турк тили била айтурлар.

Егулуклардин агарчи кўй мучаларидин ба'зиға от қуюптурлар, аммо *орқани* ва *ошуғлуғ* иликни ва ён сўнгакни ва *қобургани* ва *иликни* ва *ўрта илик* ва *бўгузлагуни* туркча айтурлар. Ва яна ба'зи емаклардин *қаймоғ* ва *қатлама* ва *буламоғ* ва *қурут* ва *уloba* ва *манту* ва *қуймоғ* ва *уркамочни* ҳам туркча айтурлар. Ва *қимизни* ва *сузмани* ва *боҳсумни* ва *бўзани* дағи туркча айтурлар. Яна *тутмоч* ва *умоч* ва *кумоч* ва *толғонни* ҳам туркча айтурлар. Ва бу нав' жуз'иётка машғуллук қилса бағоят кўп топилур.

Аммо куллийрак калимотни адо қилали: араб тилининг сарфий истилохининг абвобида бир бобдурки, анга — *муфоала боби* от қуюптурларки, лафз бир мазкур бўлур, аммо икки киши фе'лиға муштамилдурки, бир нав' воқи' бўлғай. Андоқки, «муораза» ва «муқобала» ва «мушоара» ва «муколама» ва куллий бобдур ва мунда азим фавоид ҳосил. Ва форсийгўйлар мунча фасоҳат ва балоғат да'воси била бу фойдадин маҳрум. Аммо турк булағоси бу фойдаға таарruz қилибдурлар. Ва масдарға бир «Шин» ҳарфи илҳоқ «илмоқ» била ул максудни

<sup>38</sup> Ажзо — жузлар.

<sup>39</sup> Ва ало ҳозал қиёс—ва шунга ўхшашибар.

<sup>40</sup> Умда — аҳамиятли.

<sup>41</sup> Шўру шайн — тўпалон ва ғавғо.

<sup>42</sup> Мутамайяз қилса — ажратса.

<sup>43</sup> Ма'худий албиса— маълум кийимлар.

топибдур<sup>44</sup>. Андоқки, «чопишмоқ» ва «топишмоқ» ва «құчушмоқ» ва «ўпушмак» ва бу шой' лафздур. Ва бу лафз<sup>45</sup> вози азизларға жойи таслим ва таҳсиндерки, бағоят хұб қилибдурлар. Ва бу фасоҳат била сорт, фусаҳосидан тамом сижилибдурлар. Яна арабий сарф истилоҳда икки мағ'уллук фе'ллар борки, анинг адоси доғи мұтабар ва куллийдур. Андин доғи сортлар орий қолибдурлар. Ва атрок анга ҳам хұбрөк важх била мутобаат қилибдурлар. Арабий андоқки, «А'тайту Зайдан дирҳаман», бу таркибда уч лафз мазкур бўлур. Алар лафзға бир ҳарф ортурғон била мунга ўхаш бир замирни ортурубтурлар, бағоят мухтасар ва муғид тушубтур<sup>46</sup>. Андоқки, югурт ва қилдурт ва яшурт ва чиқарт. Яна бир адолари борки, ба'зи алфознинг сўнгғида «ч, и» ки, «чи» лафзидур, орттурлар, ё мансабнинг ё хунарнинг ё пешанинг<sup>47</sup> изҳори учун; форсийда йўқтур, балки алар ҳам туркча айтурлар.

Мансабда андоқки, қўрчи, ва сувчи ва хизоначи ва керак-яроғчи ва чавгончи ва найзачи ва шукурчи ва юртчи ва шилончи ва ахтачи йўсунлуғ кўптур.

Хунар ва пешада андоқки, қушичи ва борсчи ва қўруқчи ва тамғачи ва жибачи ва йўргачи ва ҳалвочи ва кемачи ва қўйчи. Андоқки, қуш хунарида доғи бу истилоҳ бордур, андоқки, қозчи ва қувчи ва турначи ва кийикчи ва товушқончики, сорт лафзида йўқтур. Ва алар мазкур бўлғонларнинг кўпин туркча айтурлар.

Яна бир нав' иборат ва адолари борким, бирордин бир ишни гумон элтмак била ул ишни ул кишига нисбат гуна<sup>48</sup> берурлар, йўқки, таҳқиқ юзидин, балки мазанна<sup>49</sup> ва гумон ҳайсиятидин<sup>50</sup>, аммо мунда дикқат<sup>51</sup> кўптур Андоқки: *боргудек ва ёргудек ва келгудек ва билгудек ва айтқудек ва қайтқудек ва ургудек ва сўргудек ва бўлмас.*

Ва ба'зи алфознинг охирида бир «чим» ҳарфи васл қилурлар<sup>52</sup> ва анинг била ул фи'лда су'рат йўсунлуқ ирода қилурлар. Андоқки, *тегач ва айтгач ва боргоч ва ёргоч ва топкоч ва сотқоч*, яна бир «ре» ҳарфими, ба'зи лафзининг охириға илҳоқ қилурлар, андин муболаға ва са'й ирода қилурлар, андоқки, *билакўр ва қилакўр ва кетакўр ва етакўр*. Ва яна бир ранг ё бир сифатнинг шумули холиға муболаға учун анинг аввалида аввал ҳарфига бир «п» ё «мим» изофа қилиб, ул шай'ға зоид қилурлар; «п» мисоли: *оп-оқ қап-қаро, қип-қизил, сап-сариг, юп юмалоқ, яп-ясси, опочуг, чуп-чуқур*, бу нав' хили ҳам топилур, «мим» мисоли: *кўм-кўк, ям-яшил, бўм-бўз*<sup>53</sup>.

Яна бир «вов» ва «лом» ба'зи лафзға илҳоқ қилиб бир маҳсус сифатқа та'йин қилурки, салотиннинг хоҳ разм асбоби учун ва хоҳ базм жиҳоти учун мұтабардур<sup>54</sup>. Андоқки, ҳировул,

<sup>44</sup> Аммо йирикроқ сўзлар тўғрисида айтайлик: араб сарфи атамасининг бобларида бир боб борки, уни «муфоала боби» деб атайдилар. Бунда бир сўз айтилса ҳам, икки кишининг иш-ҳаракатини ўз ичига олади, ўзи бир хилда келади, масалан «муораза» (арз қилишмоқ), «муқобала» (қаршилашмок), «мушоара» (шे'р айтишмок), «муколама» (сўз айтишмоқ), бу кенг боб бўлиб, бунда кўп фойдалар бор. Форсча ёзучилар шунча усталик ва моҳирлик да'воси блан бу фойдадан маҳрумдирлар. Аммо туркнинг сўз усталари бу фойдага қўл узатиб, масдарга бир «шин» («ш») ҳарфи қўшиш блан ўша мақсадни топганлар.

<sup>45</sup> «Ва бу лафз...» — Бундай сўзларни ясаган улуғларга, шундай яхши иш қилганлари учун, раҳмат айтиш керак. Бу усталик блан сортнинг сўз усталаридан тамом устун чиқибдирлар.

<sup>46</sup> Яна араб сарфи атамасида икки мағ'уллик (икки ишловчили) фе'ллар борки, унинг ишлатилиши ҳам мұтабар ва кенгдир. Бундан ҳам сортлар четда қолганлар, турклар эса бунга ҳам жуда яхши равишда иярганлар. Масалан, арабча: «А'тайту зайдан дирҳаман» (Зайдга ақчани бердим) таркибида уч сўз бор, улар (турклар) сўзга бир ҳарф ортдирғанлариdek, араблар, бир замир (ҳарф)ни ортдирғанлар, бунинг блан жуда ихчам ва фойдали бўлиб чиқкан.

<sup>47</sup> Пеша — хунар.

<sup>48</sup> Гуна — ўхаш, дек.

<sup>49</sup> Мазанна — шубҳа, шак.

<sup>50</sup> Ҳайсият — жиҳат.

<sup>51</sup> Диққат — нозиклик.

<sup>52</sup> «Чим» ҳарфи васл қилмоқ — «ч» ҳарфи қўшмоқ.

<sup>53</sup> Яна бир ранг ёки бир сифатни аслидан ортдириш учун аввалидаги биринчи ҳарфига бир «п» («п») ёки «мим» («м») кўшнб, у нарсада ортиклиқни билдирадилар.

<sup>54</sup> Яна бир «вов» («в») ва «лом» («л»)ни ба'зи сўзга қўшиб, бир маҳсус сифатни белгилайдилар, бундай сўзлар подшоҳларнинг уруш асбоблари ёки базм ишларида қўлланади.

қаровул ва чингдовул ва янковул ва сўзивл ва патовул ва китповул ва ясовул ва баковул ва шиговул ва дақавул ким, алар мундин улвий<sup>55</sup> дурлар.

Яна ба'зи лафзга бир «лом» илқоқ қилурларким, ул шайнинг ул сифатда русухиға<sup>56</sup> далолат килур. Андоқки, қаҳол ва ясол ва қабол ва түнқол ва бирқол ва севаргол.

Бу алфоз ва иборатда бу нав' дақойик кўпдурким, бу қунга дегинча ҳеч киши ҳақиқатиға мулоҳаза қилимағон жиҳатдин бу яшурун қолибдур. Ва хунарсиз туркнинг ситам зариғ<sup>57</sup> йигитлари осонликқа бўла форсий алфоз била назм айтурға машғул бўлубтурлар. Ва филҳақиқат агар киши яхши мулоҳаза ва тааммул<sup>58</sup> қилса, чун бу лафзда мунча вус'ат<sup>59</sup> ва майдонида мунча фусҳат<sup>60</sup> топилур. Керакким<sup>61</sup>, мунда ҳар нав' сухангузорлиғ ва фасиҳгуфтторлиғ ва назмсозлиғ ва фасона пардозлиғ осонроқ бўлғай ва воқи' осонроқдур.

Андин сўнграким, турк тилининг жомиияти<sup>62</sup> мунча далоил била собит бўлди, керак эрдиким, бу халқ орасидин пайдо бўлғон таб' ахли салоҳият ва таб'ларин ўз тиллари турғоч, ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва ишга буюрмасалар эрди. Ва агар иккаласи тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди, ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди. Ва агар муболаға қилсалар, иккаласи тил била тенг айтсалар эрди. Бу иҳтимолға худ йўл берса бўлмаским, турк улусининг хуштаба'лари мажмуи сорт тили била назм айтқайлар ва билкул турк тили била айтмағйлар, балки кўпи айта олмағайлар ва айтсалар ҳам сорт турк тили била назм айтқондек фасиҳ турклар қошида ўқуй ва ўткара олмағайлар ва ўқусалар ҳар лафзлариға юз айб топилғай ва ҳар таркиблариға юз э'тиroz ворид бўлғай.

Бас бу ҳайсиятлардин андоқ малум бўлурким, бу тилда ғариб алфоз ва адо кўпдур. Муни хуш оянда тартиб ва рабоянда таркиб била боғламоғининг душворлиғи бор. Мубтадий таб'и ул назмни душворлиғ била боғламоқдин кўфт топиб, мутанаффир бўлур ва осонроқ сари майл қилур. Чун неча қатла бу нав' воқи' бўлди, таб'и хўй қилди. Чун табиат му'тод бўлди, ўз му'тодин кўюб ғайри му'тодғаким, мушкилроқ ҳам бўлғай, майл қилмоғи мутааззирдур.

Яна улким, фаҳм жинси ожизларни ҳам мойил, балки муштағил ушбу нав'ға кўрар ва иймон ва расм ахли тариқидин чиқмоғни мунисиб кўрмас, ва бу нав' била қолур. Ва мубтадига яна одатдурким, таб'идин ул нима бош урса, чун ўз зодаи таб'и ўзига маҳбуб эканга мажбулдур, тиларки, ани бу фан ахлиға арз қилиб жилва бергай. Чун бу фан ахли форсийгўйдурлар ва турк алфозидин баҳраманд эмаслар, таб'и ул жонибдин и'роз қилиб, бу фанға машғул эл сари майл кўргузур. Эмдики майл кўргузди, муносабатлар топиб ҳам бу хайлдин бўлур. Андоқки, бу замонда бўлубтур. Бори ҳар тақдир билаки бор, бовужуд турк алфознинг форсийға мунча мазияти ва нафс амрда мунча дикқати ва вус'ати назм тариқида шойи' эмас эрди ва китмон ниҳон хонасиға тушуб эрди, балки матрук бўлурға ёвшуб эрди<sup>63</sup>.

<sup>55</sup> Улвий — юқори.

<sup>56</sup> Русух — маҳкам туриш.

<sup>57</sup> Ситам зариғ — бечора, хушфе'л.

<sup>58</sup> Тааммул — фикрлаш, ўйлаш.

<sup>59</sup> Вус'ат — кенглик.

<sup>60</sup> Фусҳат — очиқлик.

<sup>61</sup> Керакки, бу тилда ҳар нав' сўз айта олиш, гўзал нарсалар ёзиш, ше'рлар яратиш ва чиройли ҳикоялар ижод қилиш осонроқ бўлади, воқи'да ҳам осонроқдир.

<sup>62</sup> Жомиият — тўлиқлик.

<sup>63</sup> Бас, юқоридаги сабаблардан шундай малум бўладики, бу тилда ажойиб сўзлар ва ифодалар кўпдир. Буни ёқимли тартиб ва ўзига тортучи таркиб блан боғламоқ (тизмоқ)нинг кийинлиги бор. Янги бошловчининг кўнгли у ше'рни қийинлик блан боғламоқдан задаланиб, нафратланади ва енгиллик сари майл қиласи. Шундай иш бирнече марта воқи' бўлгач, табиати унга тортилиб қолади ва одатланган нарсасини қўйиб, мушкул бўлган ва одатланмаган нарсага майл қилмоқ оғир бўлади.

Яна шуниси ҳам борки, фаҳмли кишилар ушбу хилдаги ишга кучсизларнинг ҳам мойил, балки машғуллигини кўргандан кейин замоннинг расм ва одатидан четга чиқмоғни муносиб кўрмас ва шу йўлда қолар. Янги бошловчида яна шундай одат борки, таб'идан бирор нарса бош урса, я'ни ижод қиласа, у ижоднинг ўзига севимли булиши табиий, уни ҳунар эгаларига арз қилиб, чиройлик кўрсатишни истайди. Ҳунар эгалари форсича куйловчи

Бу хоксорға сабо авоилидаким, оғиз хукқасидин бирор гавхар зохир бўлабошлар, ул гавҳарлар ҳануз назм силкига кирмайдур эрдиким, замир дар'ёсидин назм силкига тортилғон гавҳарлар таб' ғаввоси са'ий била оғиз соҳилиға келабошламоқ кўргузуп эрди. Чун мазкур бўлғон қоида бидаким, адо топти—майл форсий сари бўлди. Аммо чун шуур синниға қадам вўюлди, чун ҳак субҳонаҳу ва таоло таб'ға ғаробат сари майлни зотий ва диққат ва душворписандлиққа шуру'ни жибиллий қилиб эрди, турк алфозиға доги мулоҳазани лозим кўрулди — оламе назарға келди, ўн саккиз минг оламдин ортуқ; анда зеб ва зийнат сипехри таб'ға малум бўлди, тўқкуз фалакдин ортуқ; анда фазл ва риф'ат маҳзани учради, дурлари кавокиб гавҳарларидин раҳшандароқ ва гулшани йўлукти, гуллари сипехр ахтаридин дураҳшандароқ; ҳарими атрофи эл аёғи етмакдин масун ва ажноси ғаройиби ғайр илги тегмакдин ма'mун. Аммо маҳзанининг йилони хунхор ва гулшанининг тикани беҳад ва шудгор. Хаёлға келдиким, ҳамоноки, бу йилонлар неши наштаридин таб' аҳли хирадмандлари бу маҳзандин баҳра топмай утуптурлар. Ва кўнгулга андақ ғарулдиким, гўё бу тиканлар сарзаниши зааридин назм хайли гулдастабандлари бу гулшандин базм тузгуча гул иликлай олмай йўл тутуптурлар.

Чун бу тариқда ҳиммат олий эрди ва таб' бебок ва лоуболий, ўтарга қўймади ва тамошосидин тўймади. Ул олам фазосида габ' сипоҳи турктозлиғлар тузди, ва ул сипехр ҳавосида хаёл қуши баланд парвозлиғлар кўргузди ва ул ганж жавоҳиридин замир сайрафиси ниҳоятсиз қийматлиғ ла'l ва дурри самин олди. Ва ул гулшан раёҳинидин кўнгул гул чини ҳад ва ғоятсиз накҳатлиғ гул ва ёсман қўйниға солди.

Чун бу мувоҳиб била ғинолар ва бу ғанойим била истиғнолар мұяссар бўлди, мунинг натойижи гуллари рўзгор аҳлиға беҳад ва микдор очилабошлади ва бошлариға беихтиёр сочи-ла киришти.

Ул жумладин бири - «Ғаройибус-сиғар» девонидурким, кичик ёшда таҳририм гузориш ва таҳриримдин ннгориш топибдурким, маоний ғурабосидин ғарив алфоз либосиға киорупмен ва халқ кўнглин ул ғаристон аҳли ўти била кўйдуруп мен<sup>64</sup>.

---

бўлганларидан ва турк тилидан баҳрасиз эканликларидан, унинг таб'и у томондан қайтиб, бу ҳунар блан машғул кишилар сари майл қиласди.

Шу томонга майл қилгандан кейин, турли йўллар орқали шу гуруҳдан бўлиб қолади. Чунончи, бу замонда шундай бўлгандир. Ҳарқандай бўлса бўлсин, ҳар ҳолда турк тилининг форсига қараганда бу қадар ортиқлиги ва ҳақиқатда мунча нозиклик ва кенглиғи ше'r соҳасида ёйилмаган ва бекикликнинг яширин уйига тушиб қолган эди, балки ташландиклик ҳолига яқинлашган эди.

<sup>64</sup> Бу камина ҳали ёшлиқ чоғимда, оғиз қутичасидан бироз гавҳар кўринабошлаб, у гавҳар ҳануз назм (ше'r) ипига тизилаолмаган пайтда, кўнгил дар'ёсидан назм ипига тортилган гавҳарлар таб' ғаввоси ҳаракати блан оғиз соҳилиға келабошламоқни истаб қолди, лекин юқорида айтилган қоидага мувоғиқ форсичага томон бурулди. Аммо тушуниш ёшига қадам қўйилганда, тангри аслда таб'имизда ғаройиб нарсаларга майлни ва нозик ҳам қийин нарсаларни англашга киришишни табиий қилгани учун, турк сўзлари устида ҳам мулоҳаза юргизиши лозим кўрилди. Бу ҳолда шундай бир олам намоён бўлди, ўн саккиз минг оламдан ортиқроқ. У ерда таб'га зеб ва зинат осмони малум бўлди, тўқкуз фалакдан ортиқроқ. У ерда фазилат ва юқорилик ҳазинаси учрадики, марваридлари юлдузлар гавҳарларидан кўра ялтироғичроқ; бир чаманзор йўлукдики, гуллари кўк юлдузларидан кўра очилганроқ. Бу ҳазина ва чаманзорнинг атрофи эл оёғи етишдан асралган ва қийматбаҳо нарсалари бошқаларнинг қули тегишидан сақланган эди. Аммо ҳазинасининг илони қонхўр ва чаманзорнинг тикони сонсаноқсиз эди. Хаёлга келдик, ҳамоно, таб' аҳллари (шоирлар) бу илонларнинг найзасидан кўрқиб, бу ҳазинадан баҳра ололмай ўтган эканлар ва кўнгилга шундай туюлдики, гўё, назм тўдасининг гулдаста боғловчилари бу тиканлар санчилиши зааридан ҳадиксираб, бу чаманзордан гулни қўлга киритолмай йўл тутган эканлар.

Бу йўлда ҳиммат олий ва таб' ботир ва парвосиз бўлган учун, ўтиб кеталмадик ва тамошосидан тўялмадик. У олам теварагида таб' кўшуни хужумга киришди ва у осмон ҳавосида хаёл қуши юқори учишлар кўрсатди, у ҳазинанинг қийматбаҳо тошларидан кўнгил сарроғи ниҳоятсиз қийматли ла'l ва марваридлар олди, кўнгил гул теручиси у чаманзордаги гуллардан сон-саноқсиз хушбўй гуллар териб қўйнига солди.

Бу олинган ҳадялар орқали бой.тик ва ғаниматлар блан кўнгил тўқлиғи мұяссар бўлгач, бу натижаларнинг гуллари замон аҳлиға бениҳоят ва бемиқдор очилабошлади ва бошларига беихтиёр сочила берди.

Шу ижодлардан бири: «Ғаройибус-сиғар» («Болалик қизиқликларн») девони — кичик ёшлиқи ёзилган ва таҳририм орқали зийнат топгандирки, бундай ажойиб ма'ноларни қизиқ сўзлар либоси блан кийинтирибман ва халқ кўнглини ундаги ғаристон аҳли ўти блан кўйдурнибман.

---

Яна «Наводируш-шабоб» девонидурки, йигитлик авойилида баёним килкидин намойиш девониға ва оройиш бўст; ониға кирибдурким, ул наводир тамошосидин йигитлик мулкида ғавғо солибмен, ва мулк йигитлари кўнглидин ором ва қарорни олибмен.

Яна «Бадойиул-васат» девонидурким, умр авсатида ҳаёлим хомаси аниң зебига нақшбандлиғ ва зийнатига сиҳрпай-вандлиғ қилибдурким, ул бади'лар воситасидин шайдо кўнгуллар эшигин ишқ тоши била қоқибмен ва уйга фитна ва офат ўтин ёқибмен.

Яна «Фавоидул-кибар» девонидурким, ҳаёт авохира тахайюлум хомаси ани рашки нигорхонаи чин ва ғайрати хул-ди барин қилибдурким, анда улуғларга фоидалар зулолин еткурупмен ва ҳаваслари шу'ласига насойих зулолидин сув урупмен.

Бу тўрт девон овозасин чун руб'и маскунға еткурупмен, «Хамса» панжасига панжа урубмен. Аввалким, «Ҳайратул-аброр» боғида таб'им гуллар очибдур, Шайх Низомий руҳи «Махзанул-асрор» идин бошимға дурлар сочибдур.

Яна чун «Фарҳод ва Ширин» шабистонига ҳаёлим юз тутубтур. Мир Хусрав дами «Ширин ва Хусрав» ўтидин чароғимни ёрутубтур.

Яна чун «Лайли ва Мажнун» водисида ишқим пўя уруб, Хожа Ҳимматин «Гавҳарнома»сидин нисоримға гавҳарлар еткуруптур.

Яна чун «Саб'ай Сайёра» расадин замирим боғлабтур, Ашраф «Ҳафт пайкар»ининг етти хурвашин пешкашимға яроғлабтур.

Яна чун «Садди Скандариј» асосин хотирим муҳандиси солибдур, Ҳазрати Махдум «Хираднома»сидин кўси ислоҳ ва имдод чолибдур.

Бу «Хамса» шуғлидин чун фароғат топибмен, тахайюлум гети навардин салотин та'рихи даштиға чопибмен, чун нома саводи зулматидин «Зубдатут-таворих» адосин тузупмен, салотин ўлган отин бу ҳайвон суйи била тиргузупмен.

Чун «Насойимул-муҳаббат» нафаҳоти баёнидан килким файзрасон бўлубтур, авлиё-улло муқаддас руҳи файзидин олам тўлубтур<sup>65</sup>.

Чун «Лисонут-тайр» илҳони била тараннум тузупмен, хуш тили ишорати била ҳақиқат асрорин мажоз суратида кўргузупмен.

Чун «Насрул-луолий» хазойини таржимасига, еттим, «Назмул-жавоҳир» била ма'ни абкорин

<sup>65</sup> Яна: «Наводируш-шабоб» («Йигитлик нодиралари») девони — бу, йигитлик даврларимда қаламим баёнидан намойиш йигинига ва безаниш гулзорига киргандирки, у ажойиботлар тамошоси орқали йигитлик дунёсига ғавғо солибман ва дун'ё йигитлари кўнглидан ором ва қарорни олибман.

Яна: «Бадойиул-васат» («Ўрта ёш бадиалари») девони — буни ҳаёлим қалами умримнинг ўрталарида безашга нақошлик ва пардозлашга сиҳрбозлик қилгандирки, у бадиалар орқали шайдо кўнгиллар эшигини ишқ тоши блан қоқибман ва у уйга фитна ва тўпалон ўтини ёқибман.

Яна: «Фавоидул-кибар» («Қарилек фойдалари») девони — уни ҳаёлим қалами тириклигим охирларида чин суратхонасининг рашкини келтиручи ва жаннатга тенглашучи қилибдирки, унда улуғларга фоидалар тоза сувини етказибман ва ҳаваслари шу'ласига насиҳатлар зулолидан сув урибман.

Бу тўрт девон овозасин бутун дун'ёга еткизганимдан сўнг, «Хамса» панжасига панжа урибман. Биринчидан: «Ҳайратул-аброр» («Яхшилар ҳайратланиши») боғида таб'им гуллар очиб, Шайх Низомий «Махзанул-асрор» и «Сирлар хазинаси»)дан бошимга марваридлар сочилибдир,

Яна — «Фарҳод ва Ширин» шабистонига ҳаёлим юз тутганда, Мир Хусрав нафаси «Ширин ва Хусрав» ўти блан чирогимни ёритибдир.

Яна: «Лайли ва Мажнун» водисида ишқим кезиб, Хожа Ҳимматий «Гавҳарнома»сидан кенг йўлимга гавҳарлар еткизгандир.

Яна: кўнглим «Саб'ай сайёра» («Етти учар юлдуз») расадини боғлаб, Ашраф «Ҳафт пайкар»идан етти хур юзлини хузуримга тақдим этибдир.

Яна хотирим муҳондиси «Садди Искандариј» асосини солиб, Жомийнинг «Хираднома»си орқали тузатиш ва ёрдам нагорасини чалибдир.

«Хамса» ни ёзиш ишидан бўшаганимдан кейин, ҳаёлимнинг дун'ё кезар отини подшоҳлар тарихи даштнга қараб чопибман, шундай қилиб ёзув қораси зулматидан «Зубдатут-таворих» («Тарихлар хulosаси»)ни чиқазиб, подшоҳларнинг ўлган номини бу тириклик суви блан тирғизибман.

«Насойимул-муҳаббат» («Муҳаббат шаббодалари») ҳидлари баёнидан ҳаламим яхшиликлар келтиргач, авлиёларнинг муқаддас руҳи фойзидан дун'ё тўлибдир.

хуллаларин мурасса' эттим.

Чун «Мизонул-авзон» баҳрларида ғаввос бўлдум, ул ми'ёр била Насири Тусий узрин кўлдум.

Яна доғи расойилға қалам сурупмен ва мукотибға рақам урупменки, форсий сихрсозлар ва паҳлавий афсона пардозлар ҳам анда авроқ ороста ва ажзо пироста қилибдурларким, дом ҳакам адолат юзидин кўз солса ва бурунғи форсий ва сўнгги туркий латойиф ва дақоиқидин баҳра олса, ҳукм сўрар замонида ва ҳар қайсининг мартабасини та'йин қилур овонида умидим улдур ва хаёлимға андоқ келурким, сўзум мартабаси авждин қуи инмагай ва бу тартибим кавкабаси а'ло даражадин ўзга ерни беганмагай.

Бу сўзлардин хасм мундоқ билмасун ва муддаи бу нав' гумон қилмасунки, менинг таб'им турк алфозиға мулоийм тушган учун та'рифида муболаға изҳор қилурмен, ва форсий иборатка муносабатим озроқ учун инкор ва нафийиға исрор кўргузурменким, форсий алфоз истийфосин ва ул иборат истиқсосин киши мендин кўпроқ қилмайдур эркин ва салоҳ ва фасодин мендин яхшироқ билмайдур эркинким, умрум гулшанининг тоза баҳорининг таровати чоғи ва ҳаёт равзасининг наврас сабзазорининг назоҳати вақтикам, ўн беш ёштин қирқ ёшқачадурки, инсон хайлиниг таб'и булбули ҳар гул жамолига шефта ва руҳи парвонаси ҳар шам' ҳусниға фирефта бўлур, вақт бу авқотдур. Ва бу авқотда кўп ғариб воқи' ҳодисдурки, ул воқиа бирор ҳусн ва нозин ё ўз ишқ ва ниёзин шарҳ этарга боис бўлур. Ва бу ҳол ғазал тариқида мунхасирким, ё айтурға мутааммил бўлулғай ё ўқуриға муштағил. Ўқуриға давовиндин бу фақир мутолаасига кўп машғул бўлмағон девон оз эркин. Батахсис ишқ ва дард аҳлининг раҳбар ва пешрави Амир Хусрав Дехлавий девониким, ошиқлиқда дард ва ниёз ва сўз ва гудоз тариқин ул мунашари қилди ва онинг ишқи маш'алидин бу партав олам тийра хокданиға ёйилди.

Яна ҳақиқат аҳлининг сархайл ва сарафрози Ҳожа Ҳофиз Шерозий нукот ва асроринки, анфоси руҳул-қудсдин нишон айтур ва руҳулло анфосидин асар еткуур<sup>66</sup>.

Яна бу фақирнинг пири ва устози за тариқат аҳлининг соҳиби иршоди, жами' аҳлууллонинг муктадо ва шайхул-исломи... Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг руҳпарвар латойифи ва руҳ густар заройификим, андин ҳар ғазал калваҳийл-мунзал ва ҳар рисола кал-аҳодисин-набийи мурсал олий шон ва рафи макондурким, алардин ҳар лафз қийматда дурри саминдин обдорроқ

<sup>66</sup> «Лисонут-тайр» («Қуш тили») овози блан қўшиқ айтиб, ҳақиқат сирларини қуш тили ишорати блан мажоз суратида кўрсатибман.

«Насрул-луалий» («Марваридлар сочмаси») ҳазиналарининг таржимасига етганимда, «Назмул-жавоҳир» («Жавҳарлар тизмаси») блан йа'ни қизларининг кийимларини безантирдим.

«Мизонул-авzon» («Вазнлар торозиси») дар'ёларида ғаввос бўлиб, бу йўл блан Насир Тусийдан узр тиладим.

Яна тагин бундан бошқа рисоллар устида қалам тебратганмян ва турли мактублар ёзганман, худди шунингдек форси сўз усталари ва афсоналарга пардоз беручилар ҳам варактлар безаганлар ва тайёрлаганлар, агарда дона ҳакам тўғрилик блан кўз солиб, бурунги форси ва сўнги туркининг юмшоқлик ва нозикликларидан баҳра олиб, ҳарбиригининг баҳосини ва даражасини аниқлаган вақтида, умидим шундай ва хаёлимга бундай келурки, сўзимнинг мартабаси юқориликдан қуиға инмас ва бу тизмаларим (ижодларим) юлдузлари энг олий даражадан ўзга ерни қилмас.

Бу сўзлардан хасм (қарши) бундай англамасми ва да'вогар бунда гумон қилмасинки, таб'им тилига мос тушгани учун, уни мақташда муболаға кўрсатмакдаман ва форси тилига муносабатим озроқ бўлгани учун уни инкор қилиш ва йўққа чиқаришга тиришмоқдаман. Форси сўзларни ва ибораларни ҳечким менчалнк кўпроқ ўзлаштирумайди ва кўлга олмайди, яхши ва ёмонини ҳечким мендан кўра яхшироқ билмайди.

Умрим боғи тоза баҳорининг қирчиллама чоғи ва ҳаёт боғчаси янги ўсган сабзазорининг тобига келган вақти ўн беш ёшдан қирқ ёшгачадир, бу пайтда кишилар тўдасининг кўнгил булбули ҳар гул жамолига берилган ва руҳи парвонаси (капалаги) ҳар шам' ҳуснига алданучан бўлади, вақтнинг яхшиси мана шу вақтлардир. Бу вақтларда кўп қизиқ воқиалар юзага келади, у воқиа бирорининг ҳусни ва нозини ёки ишқ ва умидини баён этишга сабаб бўлади. Бу ҳол ғазал (ишқий ше'рлар) йўли блан бўлади, киши ё ўзи ижод қилади, ёки бошқаларникини ўқиш блан машғул бўлади. Шоирларнинг девонларидан мен мутолааси блан шуғулланмаган тўплам жуда оз; ҳусусан, ишқ ва дард аҳлининг раҳбари ва илғори Амир Хусрав Дехлавийнинг девони ошиқлиқда дард ва зорланиш, куюнишни у тарқатди ва унинг ишқ машаласидан тушган ёргулик қоронғи дунёнинг ҳамма ерига ёйилди.

Яна ҳақиқат аҳлининг сархили ва қадрлиси Ҳожа Ҳофиз Шерозийнинг тоза руҳдан нишон беручи нафасидан чиққан ингичка ва нозик сирларини ўкудим.

ва ҳирқатда ла'ли оташиндин барқ кирдорроқ. Ва иккаласи мазкур бўлғон азиз қаломи му'жиз низомидин анда чошни ва насиб ва ўз ишқ ва камолоти ва ниҳояти ҳолоти мунга изофаки, ҳозо шай'ун ажиб! Барчасига кўп қатла утупмен, балки қўпин ёд тутупмен, ва қасойид ва ғазалиётларининг ғариб ва латофатин билибмен, балки ғариброқ ва латифроқлариға татаббу'дағи қилибмен. Қасойиддин Амир Хусравнинг «Дар'ёйи аброр»иким, машхур мундокдурки, дер эмиш бўлғайки, «юз минг байтдин ортуғ девонларим ғазалиёти ва қасойид ва маснавийларим абёти агар олам саҳифасидин ююлса ва даврон сафиҳасидин маҳв бўлса, ва бу қасида қолсаки, анда ма'ни истийфоси вофийдур, бу фан ахлиға ме-нинг фазойилим далилиға кофийдур». Матлаи машхурдурким,

Назм:

Кўси шаҳ холию бонги ғулғуллааш дарди сараст  
Ҳар ки қони' шуд баҳушку тар, шаҳи баҳру бараст.

Бу ше'рга Ҳазрати Маҳдумий Нуран жавоб айтубдурлар, ва отин «Лужжатул-асрор» битибдурлар. Ва матлаи будурким,

Байт:

Кунгури айвони шаҳ каз коҳи кайвон бартараст,  
Рахнҳо дон қаш бадевори ҳисори дин дараст

ки, агар ул дар'ёйи абрордур, бу абри баҳордурки, мартабада андин баландроқ ва баҳрада андин фойдамандроқдурки, анинг устига соя солурға ёйила олур ва бошиға дур афшонлиғ доғи қилаолур. Фақир иккаласи бузургвори рафи' микдорға ниёзмандлиғ ва гадолиғ юзидин татаббу' қилибмен ва отин «Тухфатул-афкор» деб мен. Ва матлаи будурким,

Байт:

Оташин ла'ле ки, тожи хусравонро зевараст  
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сараст<sup>67</sup>.

<sup>67</sup> Яна бу фақирнинг пири ва устози, тариқат аҳлининг тӯғри йўл кўрсатучиси, худога якинларнинг йўл бошловчиси ва шайхул-исломи Абдураҳмон Жомийнинг руҳпарвар латифаларини ва жон боғишловчи асарларини ўқиганман, у кишининг ҳарбир ғазали худодан инган ваҳидек ва ҳарбир рисоласи пайғамбарнинг ҳадисидек юқори даражали ва юксак ўринлидир. Ҳар сўзи қийматда асл марвариддан юксакроқ ва тобланишда ўтли ла'лан кўра ёнучанроқдир, бунда юқорида мазкур бўлган икки азизнинг му'жизали сўзидан та'м ва баҳра бор, бунга ўзининг ишқ етуклиги ҳамда етишган кайфияти қўшиладики, бу жуда кизиқ нарса! Мана шуларнинг барчасини кўп қатла ўқиб ўтганман, балки қўпини ёдлаганман. қасида ва ғазалларининг ингичка нуқталарини ва нозикликларини билганман. Балки қизикроқ ва нозикроқларига пайравлик қилганман.

Қасидалардан Амир Хусравнинг «Дар'ёйи аброр»ини текширганман. Бу қасида тўғрисида шундай сўз машхурдир, Амир Хусрав: «Кўз минг байтдан ортиқ бўлган девонларимнинг ғазаллари, қасида ва маснавийларимнинг байтлари дун'ё юзидан ювулиб кетса ва замон бетидан ўчиб йўқ бўлса, лекин бу қасидам қолса (бунинг ўзи ҳамма мазмунни ўз ичига олганлигидан) шунинг ўзи менинг фазилаларимга далил бўлаолади», деяр экан.

У қасиданинг бошланмаси машхурдир:

«Подшоҳ ногорасининг ичи бўшу, шовқун-суронн бош оғриғидир.

Ҳўл-куруққа қаноат қилган киши дар'ё ва қуруқликнинг подшоҳидир»

Бу ше'рга қарши ҳазрати Маҳдумий (Жомий) дарҳол жавоб айтибдирлар ва, отини «Дужжатул-асрор» («Сирлар теранлиги») деб ёзибдирлар. Бошланмаси бундай:

«Подшоҳ сарой айвонининг жимжимаси энг юқоридаги юлдузнинг пештоқидан юксак бўлганда ҳам, билгилки, ундан дин қал'асининг деворига рахна пайдо бўлади».

Агар у (Хусрав ше'ри) яхшилар дар'ёси бўлса, бу баҳор булутидирки, мартабада ундан баландроқ ва баҳрада ундан фойда беручанроқ бўлиб, соя солиш учун унинг устига ёйилаолади ва бошиға марваридлар ҳам сочаолади. Фақир юқори мартабалик улуғларнинг ҳар икковларига муҳтожлик ва гадолик юзидан пайравлик қилибман ва отини «Тухфатул-афкор» («Фикрлар совғаси») дебман, бошланмаси шундай,

«Подшоҳлар тожини зинатловчи ёлкинли ла'л тоши

Уларнинг бошида хом хаёлларни пиширучи ўтдир».

Ва кўп ма'ни ангез иборот ва та'мия аmez ишорот изофа қилибменки, бу фан аҳлининг моҳирлари мусаллам тутуптурлар. Ва ҳар «ишига бу бобда тарааддуд бўлса Ҳазрати Маҳдумий Нураннинг «Баҳористон» отлиғ китобинки, ани «Баҳористони ҳаёт ва нигористони нажот» деса бўлур, бу матла'ни битибдурлар ва иетишҳод юзидин та'рифин айтибдурларки, бу маншури давлат сипеҳр тақиға осилса ери бор ва бу тугройи саодатни Муштарий бўйниға овиза қилса мужиби мубоҳот ва ифтиҳордур. Ул китобни олдик ва бу маҳаллини топиб назар солдик ва билдики, улча мен та'рифида таҳрир қилибмен, тақсир қилибмен.

Яна Мир Хусравнинг «Мир'отус-сафо» отлиғ қасидасиғаким, халлоқул-маоний Ҳоқоний Шервоний татаббуи қилибдур ва матлаи будурким,

Байт:

Дилам тифласту пири ишқ устози забон лонаш,  
Саводуважҳ сабақу, масканат кунжи дабистонаш.

Ва Ҳазрати Маҳдумий Нуран анинг жавобида «Жилоур-руҳ» отлиғ қасидани дебдурлар ва матлаи будурким,

Байт:

Муаллим кист, ишқу кунжи хомӯши дабистонаш,  
Сабақ нодонию доно дилам тифли сабақхонаш.

Ва фақир ҳам «Насимул-хулд» қасидасин икаласи бузургворға татаббу' қилибмен ва матлаи будурким,

Байт:

Муаллим ишқу пири ақл дон тифли сабақхонаш.  
Пайи та'диби тифл инак фалак шуд чархи гардонаш.

Бу қасидаға доғи кўп маоний гавҳари дарж ва умр нақди харж бўлубдур<sup>68</sup>.

Яна «Рухул-кудс» қасидасин баланд овоза қилибменки қудсийлар руҳин андин тоза қилибмен ва матлаи бу дуурким,

Байт:

Зихи баҳомаи қудрат мусаввар аш'ё,  
Ҳазор накши ажаб ҳар замон азў пайдо.

<sup>68</sup> Бунда кўп ма'ни беручи ибора, муаммога ўхшаш (бекитиқчи) ишоралар қўшганманки, бу фан аҳлининг .моҳирлари қойил қолибдирлар. Ҳар кишининг бу хусусда шубҳаси бўлса, ҳазрати Маҳдумнинг (Жомийнинг) «Баҳористон» номли китобини кўрсинг, у китобни «ҳаёт баҳористони ва нажот наққошхонаси» деса бўлади, ана ўша китобда бу бошланмани битибдирлар ва уни далил юзасидан келтириб мақтабдирларки, бу давлат ёрлигини осмоннинг пештоқиға осилса арзиди ва бу саодат тамғасини Муштари юлдузи бўйнига илиб қўйилса фахрланиш ва шодликка сабаб бўлади. У китобни олдик, бу жойини топиб кўздан кечирдик ва билдики, мен бошда та'рифлаб ёзганману, лекин та'рифимда камчилик қилибман.

Яна Мир Хусравнинг «Мир'отус-сафо» (Тозалик ойнаси) номли қасидасига халлоқул-маоний (ма'нилар яратучи) Ҳоқоний Шервоний пайравлик қилгандир. Бошланмаси бундай:

«Кўнглим ёш боладир, ишқнинг пири тил ўргатути муаллимдир, юз қоралик ундаги дарс бўлиб, мискинлик мактабнинг бурчагидир».

Ҳазрати Маҳдумий унинг жавобида «Жилоур-руҳ» («Рух равшанлнги») номли қасидани айтибдирлар ва бошланмаси бундай:

«Муаллим ким? — Ишқдир, хомушлиқ (жимлик) бурчаги унинг мактабидир, ундаги дарс—нодонлик бўлиб, дона дилим мактабнинг сабақ ўрганучи боласидир»,

Фақир ҳам «Насимул-хулд» («Жаннат шамоли») қасидаси блан ҳар икки улуғларга пайравлик қилибмен, бошланмаси будир:

«Муаллим ишқдир, ақлнинг пири сабоқ ўқучи боладир,  
болага одоб бериш учун фалак айланучи чарх бўлди».

Бу қасидага ҳам кўп ма'нилар гавҳари киритилган ва умр маблаги сарф қилингандир.

Яна «Айнүл-ҳаёт» қасидаси зулолин еткурупменки, ғафлат аҳлининг ўлук баданлариға жон киорупмен ва матлаи будурким,

Байт:

Хожибони шаб чу шодирвони савдо афгананд,  
Жилва дар хайли бутони моҳ сиймо афгананд.

Яна «Минҳажун-нажот» қасидасида ҳидоят тариқин тузупмен ва залолат аҳлиға нажот шаҳроҳин кўркузупмен ва матлаи будурким,

Байт:

Зиҳи аз шам'и рўят чашми мардум гашта нуроний,  
Жаҳонро мардуми чашм омади аз айни инсоний.

Яна «Қувватул-кулуб» қасидасинки, килким сабт этибдур, ҳақиқат йўлида за'флиғ кўнгулларга ул қутдин қувват этибдур ва матлаи будурким,

Байт:

Жаҳонки, марҳалаи танги шоҳроҳи фаност,  
Дарў масоз иқоматки, роҳи шоҳу гадост.

Бу олти қасида ҳамд ва на'т ва сано ва мав'изатдур ва аҳли тасаввуф ва ҳақиқат тили била ма'рифат.

Яна зоҳир шуароси тариқида ҳам тўрт қасидаки, «Фусули арбаа»ға мавсумдур ва андин тўрт фасл: ҳарорат ва бурудат ва рутубат ва ябусати кайфияти ма'lум, хомам ракам қилибдурки, тўрт фасл хосияти асаридек руб'и маскунға ёйилибдур<sup>69</sup>.

Яна суханпардоз устози олий шон Хожа Калимиддин Салмонки, қасида майдонининг чобук суворидур ва ўз замонининг беназир сухангузори, машхурдурки, чун масну' қасидаси тартибиға қалам сурубтур, ўн секкизда итмом еткурубдур. Воқиан иши қилибдурки, назм аҳли аниңга тааммуқида ҳайрон ва тааммулида саргардондурлар. Тарси' сан'атиким, матла'dин ўзга байтда бўла олмас, ул қасиданинг агарчи мустахраж матлаи ростдур, аммо асли матла'dа аввалғи мисра'нинг бир лафзида тахаллуф қилибдур ва матлаи будурким,

Байт:

<sup>69</sup> Яна «Руҳул-қудс» («Тоза руҳ») қасидасининг овозасини кўтарибман, бунинг блан қудсийлар (пок кишилар) руҳини тоза қилибман, бошланмаси будир:

«Қандай яхшики, қудрат қалами блан нарсалар тасвиранди, у қаламдан ҳар замон минг хил қизиқ нақшлар пайдо бўлади».

Яна, «Айнүл-ҳаёт» («Ҳаёт чашмаси») қасидаси тиниқ сувини етказиб, ғафлат аҳлининг ўлук баданларига жон киргизибман, бошланмаса будир,

«Кече посбонлари қора чодирларини тўшаганларида, ой юзли гўзалларга жилва ташлайдилар».

Яна, «Минҳажун-нажот» («Қутулиш йўли») қасидасида тўғрилик йўлини тутиб, адашганларга қутулишнинг катта йўлини кўрсатибман, бошланмаси будир:

«Кишиларнинг кўзи нурланди юзинг равшанлигидан,  
Жаҳон кўз қорачиғи бўлдинг, айни инсонлиқдан».

Яна, «Қувватул-кулуб» («Юраклар қуввати») қасидасини қаламим битиб, ҳақиқат йўлида кучсизлик килган кўнгилларга ўша қуватдан озиқ етибдир, бошланмаси бундай:

«Жаҳон — фано катта йўлининг тор манзилидир,  
У ерда турма, чунки шоҳ ва гадонинг ўтар йўлидир».

Бу олти қасида: ҳамд, на'т, сано, ва'з ҳам тасаввуф ва ҳақиқат аҳли тили блан айтилган ма'рифатдан иборатдир.

Яна, оддий (тасаввуфчилардан ташқарига) шоирлар йўли блан иссиқ, совуқ, намгарлик ва қурғоқлик аҳволлари билинадиган тўрт фаслли «Фусули арбаа» («Тўрт фасл») номли қасидани қаламим ёзган ва тўрт фасл хосиятининг та'sирига ўхшаш бутун дун'ёга ёйилгандир.

Сафойи сафвати рўят бирехт оби баҳор  
Хавоий жаннати кўят ба бехт мушки татор.

Бу матла'ға татаббу' қилғон кўп суханварлар ва назм густарлар чун муқобалада дебурлар, лат ебдурлар. Бу факирнинг матлаи будурким,

Байт:

Чунон вазид ба бўстон насими фасли баҳор,  
Казон расид ба ёрон шамими васли нигор.

Басорат аҳли мулоҳаза қилсалар билурларки, бу матла'-тарси'ға воқи' булур, айбдин муарро ва мурасса'ға келур, э'тиrozдин мубаррордур. Бу нав' ше'рнинг та'кид ва муболагаси учун яна бир рубоий ҳам дебменки, то Халил бинни Аҳмад рубоий қоидасин ваз' қилибдур, тарси' сан'атида рубоий айтилғон эшитилмайдур, балки йўқтур ва ул будурким,

Байт:

Э рўйи ту кавкаби жаҳон оройи,  
Ве бўйи ту ашҳаби равон осои.  
Бе мўйи ту, ёраб чунон фарсойи  
Гисўйи ту чун шаби фифон афзойи.

Яна форсий ғазалиёт девони Хожа Ҳофиз тавридаким, жами' сухан адолар ва назм пиролар назарида мустаҳсан ва' матбу'дур, тартиб берибменким, олти мингдин абёти адади кўпракдурки, кўпрак ул ҳазрат ше'рига татаббу' воқи' бўлубтур. Ва ба'зи Ҳазрати Шайх Муслиҳиддин Са'дий (кудиса сирруҳу)ғаким, ғазал таври муҳтариидур. Ва ба'зи Мир Ҳусравғаким, ишқ оташкадасининг шу'ла ангезидур ва дард ғарибхонасининг ашкрези. Ва ба'зи Ҳазрати Махдум Нуранғаким, камол авжининг меҳри ломиидур ва мазкур бўлғон азизлар ҳолотининг жомники, бу девон ҳалойиқ орасида шойи'дур ва рўзгор аҳлининг таб'лари ул сари рожи' ва анда куп турлук дилкаш адолар ва дилпазир ма'нолар воқи'дирки, тафсили бу факирдин муносиб эмас. Ва анда ҳар нав' назм асноғидин, мисли: мұқаттаот ва рубоиёт ва маснавий ва та'рих ва луғаз ва ул жумладин беш юзга яқин муаммоким, кўпи Ҳазрати Махдумий Нуран муборак назариға етибдур ва ул ҳазратнинг ислоҳ ва таҳсини шарафин касб этибдурким, хомамдин рўзгор сафҳасиға ёзилибдур ва қаламим лайл ва наҳор аврэқида нақш қилибдур<sup>70</sup>.

<sup>70</sup> Яна сўз пардозчиси улуғ устоз Хожа Калимиддин Салмон қасида майдонининг чавандози ва ўз замонининг мислсиз сўз устасидир, машҳурдирки, сан'атли қасидасини тузишда қалам суриб, ўн саккиз ёшида тамомлабдир. Ҳақиқатан шундай иш қилибдирки, назм аҳли унинг тагига етишда ҳайрон ва унинг устида фикр юрутишда саргардондирлар. Тарси' (ше'рда бир мисрадаги ҳамма сўзларни иккинчи мисрадаги сўзлао блан оҳнагдош, қофиядош қилиб келтириш) сан'ати бошланмадан кейинги байтларда бўлаолмайди, у қасиданинг вазнга солиниши тўғри бўлса-да, аммо асл бошланмада аввалги йўлнинг бир сўзида келишмаганлик бордир. Бошланма шундай:

«Юзинг соғлиги баҳорнинг юзи сувини тўқди,  
жаннатдек жойингнинг ҳавоси хушбўй ҳид тарқатди».

Бу бошланмага тақлид қилган кўп сўзчанлар ва назмчилар унга қарши айтган бўлсалар ҳам, лекин лат егандирлар. Бу факирнинг бошланмаси шудир:

«Боғчага баҳор фаслининг майн шамоли шундай эсдики, Ундан оғайниларга севиклиниң ёқимли иси етишди».

Ўткур кўз эгалари мулоҳаза қилсалар биладиларки, бу бошланма тарси' йўли блан айтилган бўлиб, айбдан холи ва тарси' сан'атига тўғри келади, ҳамда бунинг устида ҳечким қаршилик кўрсатмайди. Бу хилдаги ше'рнинг та'кид ва муболагаси учун яна бир рубоий ҳам айтганман. Рубоий қоидасини яратган Халил бинни Аҳмаддан тортиб, тарси' сан'ати блан рубоий айтилгани эшитилмаган, балки йўқдир. У рубоий шудир: «Эй, сенинг юзинг жаҳонга зийнат беручи юлдуздир, Эй, сенинг ҳидинг хушбўйлиқда жоннинг роҳатидир, Сенинг сочингизиз кишига афтодалик кетади, Қора кокилинг худди фифонли кечага ўхшайди». Яна сўз усталари ва назмчилар томонидан яхши ва ма'қул деб топган Хожа Ҳофизнинг йўли блан форсича ғазаллар девони тузганманки, бандлари олти мингтадан кўпроқдир, бу ғазалларнинг кўпроғида у ҳазратнинг ше'рига тақлид воқи' бўлгандир. Ба'зисида ғазал йўлининг яратучиси Шайх Муслиҳиддин Са'дийга ва ба'зисида ишқ ўтхонасининг шу'ла сочучиси ва дард ғарибхонасининг ёш тўкучиси Мир Ҳусравга ва ба'зисида етуклик юксаклигининг нурли қўёши ҳазрати Махдумга

Булардин доғи бошқа, йигитлигим замони ва шабоб айёми овонида күпрак ше'рда сихрсоз ва назмда фусун пардоз шуаронинг ширин аш'ори ва рангин абётидин эллик мингдин ортуқ ёд тутупмен ва алар завқ ва хушҳоллиғидин ўзумни овутупмен ва салоҳ ва фасодлариға фикр айтибмен, ва махфий дақойиқиға таамул ва тафаккурлар била етибмен, ва форсий алфэз айб ва хунари мулоҳазаси идрокида табим ўзин солмайдур, балки ул водий қат'ида килким равандаси тез гомлиғ била қадам урмағон ер қолмайдур. Ва ўттуз йилдин ортуқ ва қирқ йилға яқиндурум, Хуросон мулкиким, фазлу камол аҳлиға олам мамәликининг мисри муazzами ва саводи а'замидур, бу мулкнинг жами' назм аҳли шуаройи ширин қаломи ва фусаҳойи вожибул-иҳтироми ҳар не ҳар ма'ни билаким, авроқ юзига оройиш ва ҳар алфоз билаким, ажзо изориға намойиш берибдурлар, бу факир сұхбатиға еткурубдурлар ва бу заиф оллинда ўткарибдурлар ва ҳак ва ислоҳ илтимосин қилибдурлар, ва хотирға қылғон нұктаки, айтилибдур, инсоғ юзидин мусаллам тутуптурлар ва агар ба'зи ибо қилибдурлар далойил била аларға хотир нишон қилилибдур, андин сўнгра қабул қилиб, ўзларин шокир ва мамнун билибдурлар. Ва басо маоний аҳли хурдадонлар ва дақойик хайли дақиқ баёнларки, Анварий ва Салмон ше'рида ҳар бири бирининг жонибин тутуб баҳслар қилиб, сўзлари бир-биридан ўтмагандин сўнгра бу факир оллиға муҳокама учун келтуруптуурлар ва ҳар не ҳукм топиб дуурурлар мусаллам тутуб, муноқашалари бартараф бўлубтур. Ва ғазалда Мир Шоҳий ва Мавлоно Котибий ва алар ғайри тарафидин доғи бу йўсунлук ва маснавийда ҳазрат Шайх Низомий ва Мир Хусрав Дехлавий жонибидин доғи бу дастурлуғ кўп ноқи' бўлупдур<sup>71</sup>.

Барчадин куллийрок санад буким, ҳазрати иршод паноҳи... Нуранки,... форсий сўзда жами' алар сўзидин юқорироқ сўз йўқтур, кўпрак кутуб ва расоил ва ғазалиёт ва касойиддаки, маоний гавҳарларин назм силкига кийдуур эрдилар ва замир ниҳонхонасидин анжуман тамошогоҳиға жилва берур эрдилар, анинг мусваддасин бурунрок бу факирға илтифот ва э'тиқод юзидин берур эрдиларким: «Бу авроқни ол ва боштин оёғига назар сол, хотирингға ҳар не айтқудек сўз келса айт», деб ва ҳар неишорат бўлғониким, мазкур бўлди, зохир қилсан мақбул тушар эрди. Бу да'воға далил буким, ўндин ортуқ кутуб ва расоилда ул ҳазрат бу факирнинг отин мазкур қилибдурлар. Ва кўпи таб' ва идрок ва мунга муносиб нималарга нисбат бериб, мастур қилибдурлар. Бу қабул назари асаридин бир қарндин ортуқ султонус-салотин сипехр ойин сұхбатларида ва фирмавс таз'йин хидматларидаким, аҳли қаломдин фазл ва камол

---

пайравлик воқи' бўлгандир. Юқорида айтилган азизларнинг аҳволлари тўпланган бу девон ҳалойиқ ўртасида ёйилган ва замон аҳлининг таб'лари у асарга қаратилгандир. Унда кўп турли дилқаш ифодалар ва кўнгилга ёқучи ма'нолар бордирки, тафсили бу факирдан муносиб эмас. У девонда ҳархил назм турларидан, муқаттаот, рубоиёт, маснавий, тарих, луғоз ва шу жумладан беш юзга яқин муаммо тилимдан тириклиқ сахифасига ёзилган ва қаламим кечакундуз ва рақларига нақш қилгандир, буларнинг кўпи Ҳазрати Махдум (Жомий) назарига етишиб, у ҳазратнинг тузатиш ва мақташлари шарафига эришгандир.

<sup>71</sup> Булардан бошқа, йигитлигим замони ва ёшлигим кунлари даврларида кўпрак ше'рда ўйин кўрсатути ва назмда афсунбозлик қилучи шоирларнинг ширин ше'рларидан ва рангдор байтларидан эллик мингдан ортиқогини ёдлаганман. Уларнинг завқ ва қувончидан ўзимни овутибман.

У ше'рларнинг яхши ва ёмон томонлари устида фикр юрутибман. Махфий нозикликларига ўйлаш ва фикрлаш орқали етишибман. Форси сўзларнинг айб ва хунарини ўйлаб, тушунишда таб'им ўзини қайтармайди, балки у водини кезишда қаламим чопари йўргалик блан қадам етказмаган ери қолмагандир. Ўттиз йилдан ортиқ ва қирқ йилга яқиндирики, билим ва хунар аҳли олдида дун'ё мамлакатларининг буюк шаҳри ва улуғ ўлкаси бўлиб танилган Хуросон мамлакатининг барча назм аҳли, ширин сўзли шоирлари, ҳурматга лойиқ адиллари, ҳар мазмунда ва рақалар юзида берган знинатлари ва ҳар турли сўзлар блан жуз'лар юзасида қилган безакларини бу факир сұхбатиға етказган ва бу кучсиз ҳузуридан ўтказган, яхши-ёмонини ажратиш ва тузатишни илтимос қилган, хотирга келган нуқталарни айтилганда, инсоғ юзасидан қабул қилгандирлар. Агар ба'зилари тортинган бўлсалар, далиллар блан эсларига туширилган. Шундан сўнг қабул қилиб, ўзларини рози ва хурсанд билгандирлар.

Зарраларни кўручи кўпгина ма'ни аҳллари ва ингичка нуқталар устида сўз юрутичи нозикфаҳм гурухлар Анварий ва Салмон ше'ри устида икки томон бўлишиб баҳслашганда, бир-бирларига сўз ўтказолмагандан кейин, бу факир олдига муҳокама учун келтириб турар ва ҳарқандай бир ҳукм топганларида таслим бўлиб, жанжаллари бирёклиқ бўлгандир. Ғазалда Мир Шоҳий ва Мавлоно Котибий ва бошқалар тўғрисида бу йўсинда, маснавийда ҳазрати Шайх Низомий ва Мир Хусрав Дехлавий тўғрисида ҳам бу мазмунда кўп воқи' бўлгандир.

зумрасининг мажмаидур ва илм ва фазлнинг манбаидур, бу фақирнинг сўзига мартаба рафи' ва мақола васи' эрди, ва ўзига сўз жиҳатидин азим э'тибор ва оўзига ўз жиҳатидин бийик поя ва микдор.

Ва сultonус-салотинки, мазҳари лутфи илохий ва мазҳари анвори ҳақойиқи номутаноҳийдур ва фархунда замири: улум гавҳарининг дар'ёси ва хужаста хотири хоксор бандалар зотининг кимиёсидур, бу тойифанинг кўпрак истилоҳ ва қавоидидин олий мажлисда сўз ўтса мухотаб бу фақир, фасоҳат ва балоғат аҳли натойижи таб'идин ҳар не мазкур бўлса мушорун илайх бу ҳақирни қилур эрдилар. Ва ул микдор бу туфроғнинг рутбасин фалакка еткуруп ва онча бу зарранинг поёсин қуёшдин ошуруп эрдиларким, ўзларининг хурshed файз таб'ларидин зуҳур қилғон рисолаки, ўз гавҳаррез қаламларидин нигориш топибдур ва ўз камоҳии ҳолатлари кайфиятида гузориш сурати тутупдур, бу бойри бандаларини назм тариқининг барча нав'ида та'рифлар битиб, «соҳибқирон»лик лақаби била сарафroz қилибдурлар ва бемисл ва анбозлиғ васфи била мумтоз этибдурлар ва муқаррардурки, ҳумоюн таб'лари замон мушкилотининг ми'ёридур, фархунда зиҳнлари олам дақоиқининг ҳаллоли ва соҳиб асрори.

Бандаи-хоксор агарчи туфроғдин ўксук эрдим, аммо ул қуёш тарбияти била ранго-ранг гуллар очтим ва бу афгандаи беи'тибор агарчи заррадин камроқ эрдим, ул саҳоб тақвияти била гуногун дурлар сочтим ва дилсўз аб'ётим муножот аҳлиға ошуб ва ғавғо солди ва базм афрўз ғазалиётим хароботийларға оҳ ва вовайло солди.

Ҳосили калом андин сўнграким, мунча қавий далоил ва азим шавоҳид била бу фақирнинг вуқуфи, балки маҳорати бу фаннинг форсий ва туркий назмида собит ва равshan бўлди, агар бирни яна бирга таржих қилсан керакки, бу тойифадин хеч кишига мусаллам тутуп сидк демакдин ўзга мақол ва мажол бўлмағай. Батахиски, мунча бурҳони қоти' била ҳам қат' топқай ва истишҳодга бу мусвадданинг ҳам лафзи йўқки, ҳар ҳарфи фар'ёд ургайлар ва ғавғо кўтаргайлар<sup>72</sup>.

<sup>72</sup> Барчасидан мұхимрок ҳужжат шуки, тўғри йўл кўрсатучи ҳазрат Жомий, форси сўзда у кишининг сўзидан кўра юқорироқ сўз йўқдир, кўпроқ китоб, рисола, ғазаллар ва қасидаларда ма'ни гавҳарларига назм ипига тақсан ва кўнгил маҳфий уйидан ҳалойиқ тамошоғига жилвалантирганларида, ўшаларнинг қораламасини илгарироқ бу фақирға илтифот ва ишонч юзасидан берар ва:

«Бу варагларни ол, бошдан-оёқ қараб чиқ ва хотирингга ҳарқандай айтадиган сўз келса айт», дер эдилар. Юқорида айтилгандек, мұлоҳазаларимни айтсам, мақбул тушар эди. Бу да'вога далил шуки, ўндан ортиқ китоб ва рисолаларида ул ҳазрат бу фақирнинг отини мазкур қилибдирлар ва кўпиди фаҳм, идрок ва шунга муносиб сўзларга нисбат бериб, ёзибдирлар: Бу яхши қараш та'сири блан сўз аҳлларидан адид ва шоирлар гуруҳининг йигин жойи ва илмнинг манбаи бўлган подшоҳлар подшоҳининг кўкка етар сухбатларида ва жаннат зийнатли хизматларида ўттистан ортиқ бу фақирнинг сўзига юксаклик ва эркинлик, ўзига сухбатидан улуғ э'тибор ва сўзига ўзи жиҳатидан буюк мартаба ва даража берилар эди.

Худо илтифотининг эгаси ва белоён ҳақиқат нурларининг манбаи, муборак кўнгли илмлар гавҳарининг дар'ёси ва гўзал хотири тупроққа тенг бандалар зотининг ким'ёси бўлган подшоҳлар подшоҳи олий мажлисида бу гуруҳнинг атама ва қоидалари тўғрисида сўз бўлганда, кўпроқ бу фақирга хитоб қилар, адид ва шоирлар ижоди тўғрисида бирар нарса айтилса, сўзни бу каминага қаратар эдилар. Бу тупроқнинг мартабасини осмонга шунча кўтариб, бу зарранинг қадрини қуёшдан шу қадар ошириб эдиларки, ўзларнинг қуёшни равшанлантиручи таб'ларидан юзага чиқиб, ўз гавҳар сочучи қаламларидан нақш топган ва ўзларнинг аҳволлари кайфиятини батамом тасвирлаган рисолаларида бу бойри қулларини ше'р йўлининг барча соҳасида мақтаб ёзиб, соҳибқиронлик лақаби блан фаҳрлантирган ва мислсиз, тенгсиз каби сифатлар блан имтиёзлантиргандирлар.

Аниқдирки, олий таб'лари замон мушкилларининг ўлчови, муборак зеҳнлари олам нозикликларининг ҳал қилучиси ва сирларини билучисидир.

Бу камтар банда агарчи тупроқдан тубан бўлсам ҳам, аммо ул қуёшнинг тарбиялари блан ранг-баранг гуллар очдим ва бу беи'тибор агарчи заррадан камроқ эсам ҳам, ул булатнинг қувватлашлари блан турли-туман дурлар сочдим ва дилсўз байтларим ёлворучилар ўртасида фитна ва ғавғо солди, базмни қизитучи ғазалларни ишқ аҳлларига оҳ ва вовайло солди.

Сўзнинг қисқаси, мунча кучли далиллар ва буюк шоҳидлар орқали, бу фаннинг форсича ва туркча ше'ри бобида бу фақирнинг ма'лумотлилиги, балки моҳирлиги аниқ ва равshan бўлгандан кейин, агар бирини бошқа бирига ортиқ кўрсам, бу тоифанинг кишиларидан ҳечкимсага таслим бўлиш ва «тўғри» дейишдан бошқа сўз ва мажол қолмаса керак. Хусусан, мунча қат'ий далил блан аниқлангач, шоҳидлик юзасидан бу қораламанинг сўзи эмас, балки ҳар

Яна бир куллия бу ким, то мулк араб хулафоси ва салотинида эрди, фалак ул вақтда назм дабириға араб тили била жилва берди, андоқки, Ҳассон Собитдек ва Лақитдек маликул-калом сухан гузорлар ва ма'ний офарин фасоҳат шиорлар пайдо бўлдилар ва ўз тиллари била назм адосининг додин бердилар.

Бу муносабат била араб салотини доғи Иброҳим Маҳдийдек ва Ма'мун халифадек ва булардин ўзга ҳам салотинзодалар ғарро назмлардин қасойид айттилар ва фавоид зоҳир қилдилар. Чун мулқдин ба'зи ақолим ва кишварда сорт салотини мустақил бўлдилар, ул муносабат била форсийгўй шуаро зухур қилдилар. Қасидада Хоқоний ва Анварий ва Камол Исмоил ва Заҳир ва Салмондек ва маснавийда устози фан Фирдавский ва нодири замон Шайх Низомий ва жодуи ҳинд Мир Хусравдек ва ғазалда мухтарии вақт Шайх Муслиҳиддин Са'дий ва ягонаи аср Xожа Ҳофиз Шерозийдекки, буларнинг та'рифи юқорироқ чун шаммаи сурулупдур ва васфлариға қалам урулупдур. Сўзни узотмоқ ҳожат эмас ва калом татвилин ма'ни ахли мустаҳсан демас. Ва бу муносабат била сорт салотинидин ҳам Султон Туғрулдек ва Шоҳ Шижо'дек олий қадр подшоҳлар ва рафи' мартаба анжум сипоҳлар рангин аб'ёт ва ширин ғазалиёт айттилар ва замонларида машҳур бўлди ва рўзгорлари авроқида адастур. То мулк араб ва сорт салотинидин турк ҳонлариға интиқол топди, Ҳалокухон замонидин султони соҳибқиран Темур Кўрагон замонидин фарзанди ҳалафи Шоҳруҳ Султоннинг замонининг охириғача турк тили била шуаро пайдо бўлдилар. Ва ул ҳазратнинг авлод ва ахфодидин ҳам хуш таб' салотини зуҳурға келди: шуаро Саккокий ва Ҳайдар Хоразмий ва Атоий ва Муқимий ва Яқиний ва Амирий ва Гадойидеклар. Ва форсий мазкур бўлғон шуаро муқобаласида киши пайдо бўлмади, бир Мавлоно Лутфийдин ўзгаким, бирнече матла'лари борким, таб' ахли қошида ўкуса бўлур. Ул жумладин бири будурким,

Байт:

Улки ҳусн этти баҳона элни шайдо қилғали,  
Кўзгудек қилди сени ўзини пайдо қилғали.

Ва салотиндин ҳам ўлгуча таб' асари ҳеч қайсидин зоҳир бўлмади ва варақ юзига нақш қилғучи нима қолмади, Султон Бобирдин ўзгаким, бу матла' алар таб'и асари дурким<sup>73</sup>,

Байт:

Неча юзунг кўруб ҳайрон бўлайин,

---

ҳарфи фар'ёд урадилар ва ғавғо кўтарадилар.

<sup>73</sup> Яна бир хулоса шуки, мамлакат араб халифалари ва султонлари қўлида экан, фалак у вақтда шоирларга араб тилида жилваланди, чунончи, Ҳассон Собит ва Лақитдек сўз подшоҳи сухандонлар ва ма'ни яратучи гўзал сўз эгалари пайдо бўлдилар ва ўз тилларида ше'р айтишнинг додини бердилар.

Бу муносабат блан араб подшоҳларидан Иброҳим Маҳдий, Ма'мун халифадек ва булардан бошқа подшоҳлар ва подшоҳзодалар ше'рлар ва қасидалар айтдилар, фойдалар келтирдилар.

Дун'ёнинг ба'зи иқтим ва ўлқасида сорт подшоҳлари мустақил бўлгандан кейин, шу муносабат блан форсигуй шоирлар пайдо бўлдилар. Қасидада: Хоқоний, Анварий, Камол Исмоил, Заҳир ва Салмон; маснавийда фан устози Фирдавсий, замонининг нодири Шайх Низомий ва ҳинд ҳунарманди Мир Хусрав; ғазалда ўз вақтининг яратучиси Шайх Муслиҳиддин; ва асрининг ягонаси Xожа Ҳофиз Шерозий кабилар етишди. Буларнинг та'рифи юқорида бир озгина айтилган ва сифатлари тўғрисида қалам урулгандир. Сўзни чўзмоқнинг ҳожати йўқ, узундан-узоқ сўзлашни ма'ни ахли яхши ҳисобламайди. Бу муносабат блан сорт подшоҳларидан ҳам султон Туғрул ва Шоҳ Шижо'дек юқори қадрли подшоҳлар ва баланд мартабали юлдуз сипоҳлар рангдор байтлар, шинрин ғазаллар айтдилар, асарлари ўз замонларида машҳур бўлди ва турмушлари варактарида ёзилди.

Мамлакат араб ва сорт султонларидан турк ҳонларига ўтгандан сўнг, Ҳалокухон замонидан сўнгра султон соҳибқиран Темур-Кўраган замонидан тортиб фарзанди Шоҳруҳ султон замонининг охириғача турк тилида ёзучи шоирлар, шу жумладан ул ҳазратнинг авлодларидан ҳам хуштаб подшоҳлар пайдо бўлдилар.

Шоирлардан Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Атоий, Муқимий, Яқиний, Амирий ва Гадойий каби. Лекин юқорида айтилган форси шоирлар қаршисига чиқаоладиган, ёлғиз Мавлоно Лутфийдан ўзга киши пайдо бўлмади, у кишининг таб' ахли қошида ўкуса бўладиган бирнече бошланмалари бор. Подшоҳлар ичидан ҳам, султон Бобирдан бошқа, ҳечқайсисидан ше'рий асар юзага чиқмади ва варақ юзига нақш қиларли бирор нарса қолмади...

---

Илохи мен сенга қурбон бўлайин.

То бу вақтқачаким,... Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон...

Рубой:

Ким то фалак оғоқ уза давр қилур,  
Анжум гули ҳар тун бу чамандин очилур,  
Не шоҳ аниңг зоти киби ёд билур,  
Не таб' аниңг таб'идек истаб тапилур.

Дигар:

То ким фалак эврулур давом ўлсун анга  
Иқбол бисотида мақом ўлсун анга  
Ҳам нутқ била жонбахш қалом ўлсун анга  
Ҳам назм қаломи мустадом ўлсун анга.

жаҳонбонлиқ таҳтида мақом тутти ва кишвар ситанлиқ мас-надида ором топти,— мулк силкига амният гавҳарларин чекти, ва жаҳон маз'раида жам'ият доналарин экти, чун салим қалби гавҳари кони масний эрди ва мустақим зихни мавриди файзи субҳоний, қалом аҳлиға тарфия ва ибтиҳожлар ва қалом хайлиға равнақ ва ривожлар даст берди. Ва ҳар илмда муғид та'лифлар ва ҳар фанда мунтиж таснифлар қилдилар ва ғаріб расойили ма'навий зухур қплдп ва ажиб давовин ва ғазал ва қасойид ва маснавий ёйилди. Ва ўз шариф таб' ва латиф зихнларидин доғи, агарчи ҳам форсий демакка қодир ва ҳам туркча айтмоққа моҳир эрди, аммо асли таб' иқтизоси ва шойи' такаллум муносабати адоси била туркий девон тадвиниға майл қилдилар ва дилпазир аб'ёт ва беназир ғазалиёт тартиб бердилар... Ҳосилки, туркча тил била бу нав' девонки, мазкур бўлди ва та'рифи бу сифат ва ойин билаки, мастур бўлдикпм, бу йўсунлук ғаройиб йўқки, салотини мукаррами доро ҳашамдин, балки шуаройи қудсий нафаси масих дамдин воқи' бўлмайдур ва ораға кирмайдур, воқи' бўлди ва ората тушти ва аниңг зулоли ҳаётининг файзи қуёш чашмасидин ўтгали ёвушти ва бу тоифанинг бебаҳралари бу рух накидин баҳраёб ва лаб ташналари бу оби ҳаётдин сероб бўлдилар. Бовужуд бу султонус-салотиннинг кимиё асар хотири за хурshed осор замири доғи мунга мойилки, турк нозимлари ўз алфозлари била ше'рга машғуллук қилғайлар ва кўнгул ғунчаси доғидинки, печлар чирманибдур баҳор насимидек анфос била гулдек очилғайлар. Ва илтифот ва ихтимом юзидин ба'зи ма'нилар топиб назм қилурға ҳукмлар ҳам жори бўлди ва сўз услубиға та'йинлар ва адосиға та'лимлар ҳам изҳори бўлди<sup>74</sup>.

Турк улуси аниңг хуш таб' беклари ва мирзодалари ва соҳиби зихн пок таб'лари ва озодалари андоқки, керак машғуллук асбобин тузга олмадилар ва ул нав' таб' натижаси кўргуза

<sup>74</sup> То бу вақтқачаки... Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон...: подшоҳлпк таҳтига ўтургач ва мамлакат сўровчилик ўринда ором топгач, мамлакат илита тинчлик гавҳарларини тизди, жаҳон экинзорига жам'ият уруғларини экди. Соғ қалби ма'нилар конининг гавҳари... бўлгани учун, сўз аҳлини юқори даражага кўтариш ва ривожлантириш юз берди. Ҳар илмда фойдали асарлар, ҳар фанда натижали ёзишмалар яратдилар, қизиқ китоблар ва ажойиб девон, ғазал, қасида ва маснавий каби ше'р турлари юзага чиқди ва ҳамма ёққа ёйилди. Ўзлари ҳам, гарчи ҳам форси, ҳам турки тилида айтмоққа қодир бўлсалар-да, аммо асл таб'ларининг тортиши ва шу тилнинг тарқалган бўлиши муносабати блан турки тилда девон яратишга майл қилдилар ва кўнгулга ёкучи байтлар, тенгдоши йўқ ғазаллар туздилар.

Айтиб ўтилган, бунда кўрсатилган сифат ва тартибда та'рифи ёзилмаган ва бошқа подшоҳлар, балки пок нафасли шоирлар томонидан воқи' бўлмаган бу хилдаги туркча девон юзага чиқди ва орага тушди, унинг тоза ҳаётининг файзи қуёш чашмасидан ўтиб кетди ва бу тоифанинг бебаҳралари бу рух озигидан баҳраманд ва лаб ташналари бу тириклиқ сувидан сероб бўлдилар. Шунинг блан бирга подшоҳлар подшоҳининг муборак хотири, қуёшдай равшан кўнгли шунга ҳам мойилки, турк шоирлари ўз тилларида ше'р айтишга машғуллик қилсинлар ва қатма-қат бўлиб чирмашган кўнгил ғунчалари баҳорнинг ёқимли шамолига ўхшаш нафаслар блан гулдек очилсинлар. Илтифот ва ғамхўрлнк юзасидан ба'зи сабаблар топиб ше'р айтишга ҳукмлар ҳам жорий бўлди, сўз услубини белгилашлар ва айтилиши устида та'лимлар изҳор қилинди.

олмадиларки, андин хушгүйлүк умиди тутса бўлғай, балки бу умидни аларнинг рўзгори ҳолиға ёвутса бўлғай. Турфарок букум, бу нав' подшоҳи сухандон тарғиби ва талқини ва ихсони ва таҳсини қоиди мутобаат ва мувофақатни унугуба жоддаи нофармонлиғ ва залолатни тутуб кўпи, балки бориси форсийға мойил бўлдилар ва ул тил била назмға қойил. Бу иш мундин ўзга бўлаолмаски, турк тили та'рифида андоқки, юқорироқ мазкур бўлди: бовужуд алфоз касрати ва иборот вус'ати ва маоний ғаробати ва адо салосати дилпазир боғламоқта суубат бор, ва дилписанд тартиб бермакта таб' ранж ва укубат топар, лозим қурунди турк тили шарҳида бирнече варакқа зеб-оройиш бермак ва анда ҳазрати султонус-са-лотин мулоямати таб' ва маҳорати зиҳнларин шарҳ этмак ва ҳумогон ра'йлари тартиб берган девон бобида бирнече сўз густохлиғ юзидин сўрмак ва ул ҳазрат камоли донолик ва вуқуф тавонолиғ ниҳоятидин бу фан асҳобиға ва бу фазл арбобиға та'лимлар бериб ва талқинлар қилиб, булар ул ҳазратнинг дақик сўзин ё англамай, ё англасалар буюрулғон йўсун била амал қилмай, ё қилаолмай. Ва бу заифи хоксор ул ҳазратнинг қудсий нафаси посини асрар ва вожибул-из'он хукмлариға итоат ва фармонбардорлик қилиб, кўнглумдин ва тилимдин келганча ва қаламим ва илигимдин қувват фаҳм қилғанча ул ҳазратқа бовужуд бандалиғ ва ул бандалиғ била саодатмандлиғ ва фархундалиғ — шогирдликка доғи ўзумни мушарраф ва аржуманд ва мубоҳий ва сарбаланд қилдим. Ва йиллар турк тили ва назми қоида ва услубида билмаганларимни сўруп ва мушкилларимни ҳаллоли мушкилотим тобуғида арзға еткуруп, фойдалар топиб, куллий натижалар кўрдум. Ул ҳазратнинг та'лими ва тарбияти била ва раҳнамойлиғи ва тақвияти била ишим ул ерга еттиқим, ул ҳазрат ўз пок таб'лари натижасидин зоҳир бўлғон рисолаки, ўз маориф нигор килки таҳрири эрди ва ўз латойиф осор нутки тақрири, алқобимни юқори адо қилдимки, не унвон била сабт қилдиларки, мукаррар қилмоқ ҳожат эрмас<sup>75</sup>.

Бу бандага ҳам чун бу нав' азим давлатки, ҳақ субҳонаху ва таолонинг «Ал-мутакаллим» деган исмиға мазҳарият бўлғай ва халойиқ орасида такаллумда акрон ва амсолдин имтиёз ва э'тибор ва улуғ от била овоза ва иштиҳорғаки, ул ҳазратнинг иноят ва ихтимомлари боис бўлди, ва юқори мазкур бўлғон давовин ва маснавий ва сойир кутуб ва расойили ма'навийки, то олам биносидур бу тойифадин ҳеч кимга ижтими даст бермайдур ва ихтирои мұяссар бўлмайдур, даст берди ва мұяссар бўлди. Агарчи борчани ул ҳазратнинг шариф исмиға мухайял ва ҳумоюн алқобиға музайял қилибмен, буларни сойир ииоятлар мүқобаласида тутуп «Ал-мутакаллим»

<sup>75</sup> Турк ҳалқининг ҳуш таб' беклари, мирадолари ва қобилиятли зиҳн әгалари бу йўлда керак даражада машғуллик қилолмадилар ва у хилда ижод натижаларини кўрсатаолмадилар, улардан яхши айтиолиш умидини қилса бўлар, балки бу умидни уларнинг турмуш аҳволига яқинлаштирилса бўлар эди. Қизиқроғи буки, биларман подшоҳнинг бундай тарғиб ва ундаши, мурувват ва мақташига ияриш ва мувофиқлашиш қоидасини унугуба, бош тортиш ва адашиш йўлини тутиб, кўпи, балки бориси форсига мойил ва у тил блан ше'р айтичи бўлдилар. Бунинг сабаби шундан ўзга бўлаолмас: турк тили та'рифида юқорида айтилгандек, агарчи сўзлар кўп, ибора (жумла қурулиши) кенг, ма'нолар ажойиб, айтилишда равонлик бўлса-да, кўнгилга ёқучи қилиб тузишда қийинлик бор ва дилтортар қилиб тартиб беришда таб' меҳнат ва азоб чекар.

Турк тили шарҳида бирнече бетни безаш ва пардозлашни, унда ҳазрат султон таб'ларининг ёқимлилиги ва зиҳнларининг маҳоратини шарҳ этмоқни ва олий ра'йлари тартиб берган девон тўғрисида беадаблик қилиб бирнече сўз айтмоқни лозим кўрилди.

Ул ҳазрат бориб турган донолик ва бениҳоят чуқур тушуниш юзасидан бу фан әгаларига ва билим арбобига та'лимлар берган ва бу йўлда ундағанлар, лекин булар ул ҳазратнинг нозик сўзини ё англамай, ё англасалар ҳам буюрулган йўсунда амал қилмай, ёки қилаолмай келдилар.

Бу камтар ул ҳазратнинг пок нафаси хотирасини сақлаб, ижроси лозим бўлган хукмларига бўйсунуб ва фармонбардорлик қилиб, кўнглимдан ва тилимдан келгунча, қаламим ва қўлимда куч бор деб сезгунча ул ҳазратга қуллик қилиб ва у қуллик блан ўзимни саодатли ва хурсанд сезиб, ҳатто шогирдлик блан ўзимни шарафли, азиз, фахрли ва боши кўкка етган деб билдим. Йиллар бўйича турк тили ва назми қоида ва услуби тўғрисида билмаганларимни сўраб, қийинчиликларимни, мушкулларимни ҳал қилучи ҳузурида арз қилиб, буюк фойдалар топиб, зўр натижалар кўрдим. Ул ҳазратнинг та'лими ва тарбияси блан, йўл кўрсатиши ва қувватлаши блан ишим ул ерга етдики, ўз пок таб'лари натижасидан чиқсан ўз маорифпарвар қаламлари таҳрири ва ўз ёқимли нутқларининг ёзмалари бўлган рисолаларда, юқорида айтганимча, менинг лақабларимни қандай номлар блан ёзганларки, қайтариб айтшнинг ҳожати йўқ.

исмиға мазхариятим узриға туркій ва сорт луғати кайфияти ва ҳаққати шарҳыда бу рисолани жам' қилиб битидим. Ба анга «Мұхокаматул-луғатайн» от қўйдум, то турк эли тнли фасоҳат ва дикқати ва балоғат ва вус'атики, ул ҳазрат бу тил ва иборат била назм бисоти тузуппурлар ва масихо анфоси ва ҳизр зулолидин ўлук тиргузмак тариқин олам ахлиға қўргузуппурлар, зоҳир қилдим. Ба хаёлимға мундоқ келурким, турк улуси фасихлариға улуғ ҳақ событ қилдимки, ўз алфоз ва иборатлари ҳақиқати ва ўз тил ва луғатлари кайфиятидин воқиф бўлдилар ва форсийгўйларнинг иборат ва алфоз бобида та'н қилур сарзанишидин қутулдилар. Алар доғи ранж ва машаққатим муқобаласида, чун бу маҳфий илмдинки, зоҳир қилибмен, вукуф топсалар, умид улким, бу фақирни хайр дуоси била ёд қилғайлар ва руҳумни анинг била шод қилғайлар<sup>76</sup>.

Рубоий:

Бу номаки, ёзди қаламим тортиб тил  
Та'рихин анинг жумодијол-аввал бил,  
Куннинг рақамини чоршанба килғил,  
Тўқкуз юз йилдин ўтуб эрди беш йил<sup>77</sup>.

<sup>76</sup> Бу бандага ҳам худонинг исми бўлган «Алмутакаллим» («сўзчан») унвонига эга бўлиш, ҳалойиқ орасида сўзчанликда тенгдош ва қурдошларимдан фарқ ва э'тиборга, улуғ ном план овоза ва шуҳратга эга бўлиш ул ҳазратнинг марҳамат ва ғамхўрликлари орқасида юз берди. Юқорида мазкур бўлган ва то шу дамгача бу гурухдан ҳеч кимга тўплаш юз бермаган ва ихтирои мұяссар бўлмаган девон, маснавий ва бошқа китоб ва рисолаларни тузиш ва ижод қилиш мүмкін ва мұяссар бўлди. Агарчи барча нарсани ул ҳазратнинг шарафли исмига боғлаган ва олий лақабларига қўшган бўлсан ҳам, буларни бошқа марҳаматлари қаршисида қилиб, «Алмутакаллим» исмиға эришувимга узр айтиш юзасидан туркій ва сорт тили орасидаги аҳвол ва ҳақиқатни изоҳлаб, бу рисолани туздим ва унга «Мұхокаматул-луғатайн» («Икки тил мұхокамаси») деб от қўйдим,

Бунинг план турк тилининг ўтқурлик ва нозиклигини, етуклиқ ва кенглигини... кўрсатдим. Хаёлимга шундай келадики, турк ҳалқининг сўз усталари олдида улуғ вазифани бажардим, бунинг план улар ўз сўзлари иборатлари ҳақиқатидан ва ўз тил ва луғатлари кайфиятидан хабардор бўлдилар ва форсигўйларнинг нутқ ва сўз бобида қилиб келган та'на ва сарзанишларидан қутулдилар. Улар ҳам шунча меҳнат ва машаққатлар план юзага чиқарганим бу маҳфий илмдан хабардор бўлсалар, умидим шуки, бу фақирни яхши дуо план ёд қилғайлар...

<sup>77</sup> Рубоийда айтилишича, асарнинг ёзилиш тарихи жумодил-аввал ойи чоршанба куни, 905 ҳижрий йилидир. Бизнинг ҳозирги ҳисобимизча, 4 декабрь, 1499-нчи йил бўлади (ойнинг нечанчиси экани кўрсатилмагани учун биринчи чоршянба олинди).

# **КИТОБДА МИСОЛ ВА ДАЛИЛ ТАРИҚАСИДА КЕЛТИРИЛГАН СҮЗЛАР РҮЙХАТИ**

(Алифбе тартибида)

айланмоқ	дўнон	кемачи	оҳу
айтқудек	дўптулмоқ	керак-ярокчи	питовул
алдалдаға	егулук	кечим	сап-сариғ
арқа	етакўр	кетакўр	севарғол
арғумоқ	ёбу	кийик	серпмок
атка	ёдамоқ	кийикчи	сизгурмоқ
ахтачи	ёлинмоқ	киноркамоқ	сийланмоқ
баковул	ён	киркинмоқ	сингил
безанмоқ	ён сўнгак	китповул	сингирмоқ
биз, бийз	ёоғоч	кумоч	синграмоқ
бикирмоқ	ёргудек	кундалатмоқ	сипқармоқ
билакўр	ёшурт	курра	сирмамоқ
билгудек	ёшқамоқ	кўзанак	сиқтамоқ
бирқол	ёқ	кўк	сигинмоқ
бичимоқ	ёғлиғ	кўкалтош	сигриқмоқ
бор	жавшан	кўмкўк	соврулмоқ
борсчи	жарлиғ	кўмурмоқ	сотқоч
борғоч	жиба	кўнгранмоқ	соғин
